



# БОЗОР, ПУЛ ВА КРЕДИТ

Ойлик илмий-амалий журнал

# РЫНОК, ДЕНЬГИ И КРЕДИТ

Ежемесячный научно-практический журнал

08 2019

*ИСТИҚЛОЛ БАЙРАМИ*

*МУБОРАК БЎЛСИН!*



28  
ЙИЛ




ISSN 2010-6580



# 1 СЕНТЯБРЬ – МУСТАҚИЛЛИК КУНИ МУБОРАК!

## AloqaMobile Мобил дастури



Пластик карталарингизни  
қулай тарзда бошқаринг;




300дан ортиқ хизматлар  
учун тўловлар ўтказиш;



Банкнинг онлайн хизматлари:  
омонатлар, конверсия, микроқарз...



Маълумотлар:  
валюта курслари, тўловлар мониторинги,  
Push-хабарнома







Alisher Navoiy  
namidagi  
O'zbekiston MK

 **XalqBanki**

**Халқаро рейтинг  
агентлиги**

**FitchRatings**

**2019 йил 12 августда**

**Ўзбекистон Республикаси**

**Акциядорлик тижорат Халқ банкининг**

**Халқаро кредит рейтингини**

**BB-**

**БАРҚАРОР**

**даражасида тасдиқлади**



# МЕЖДУНАРОДНЫЕ ПЛАСТИКОВЫЕ КАРТЫ VISA



**KAPITALBANK**

71 200 15 15

Услуги лицензированы





# «O'ZTEMIRYO'LYO'LOVCHI» AJ

*jamoasi mamlakatimiz aholisini  
va mehmonlarini eng ulug', eng aziz bayram –  
Istiqlolimizning 28 yilligi bilan  
samimiy qutlaydi!  
Qutlug' ayyom barchamizga muborak bo'lsin!*




 RAILWAY.UZ

 UZRAILPASS

Xizmatlar litsenziyalangan





## INSURANCE MARKET

- 6** *U. Umarov*  
 Joint Stock Company «Uzagrosugurta»:  
 scope and prospects

## REFORMS

- 12** *V. Umirov*  
 A new stage in the development of our country:  
 essential changes are implemented in every sphere

## PROSPECTS

- 26** *F. Niyazov*  
 Uzbekistan: the era of changes

## BANKING ACTIVITY

- 32** *B. Nurmukhamedov*  
 The present day of the mortgage market and its  
 prospects

## RATINGS

- 38** *D. Raimova*  
 The relevance of improving the credit rating  
 for the Republic of Uzbekistan

## MONETARY POLICY

- 42** *G. Shukurov, Z. Berdinazarov, E. Nigmanov*  
 Cash flow abstraction:  
 management from liabilities to assets

- 52** *N. Abdunazarova*  
 World experience and prospects for transition  
 to hybrid inflation targeting in Uzbekistan

## TRENDS

- 64** *Sh. Makhkamova*  
 Socio-economic intentions of youth of Uzbekistan

### МУАССИС ВА ҲАМКОРЛАРИМИЗ:

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки,  
 Агробанк, Асакабанк, Алоқабанк,  
 Капиталбанк, Микрокредитбанк,  
 Савдогарбанк, ТИФ Миллий банки,  
 Туронбанк, Трастбанк, Халк банки,  
 Ўзсаноатқурилишбанк, Қишлоқ қурилиш банк,  
 Ипотекабанк, Ипак йўли банки

### ТАҲРИР КЕНГАШИ:

**М.Б. НУРМУРАТОВ**  
 (кенгаш раиси),  
**И.И. НОРКУЛОВ**  
**О.А. БУТАЕВ,**  
**А.Х. ШОДМОНОВ,**  
**Р.О. ОХУНОВ**  
 (бош муҳаррир),  
**Ш.Т. КАРАЛИЕВ**  
 (кенгаш котиби),  
**А.Б. ВОИТОВ,**  
**К.Н. ИРИСБЕКОВА,**  
**А.Қ. МИРСОАТОВ,**  
**Ч.С. МИРЗАЕВ,**  
**Б.М. МУЛЛАХОНОВ,**  
**С.Р. НОРМУХАМЕДОВ**

### ТАҲРИРИЯТ:

Директор:  
 Г.Н. БЕЗГИН

### Бош муҳаррир ўринбосари:

В.С. УМИРОВ

### Масъул котиб:

Ф.Т. ИЗЗАТУЛЛАЕВ

### Реклама ва маркетинг хизмати раҳбари:

Ғ.Н. ҲАНДАМОВ

Тел.: (+998)71-291-60-20,  
 (+998)97-752-44-77

### ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ:

«БОЗОР, ПУЛ ВА КРЕДИТ» МЧЖ,  
 Тошкент ш., Толлимаржон кўч., 1/1-уй.  
<http://www.bpk.uz/>  
 e-mail: info@bpk.uz

Материаллар кўчириб босилаётганда  
 журналдан олингани кўрсатилиши шарт.  
 Юборилган қўлёзмаларни тақриз қилиш  
 ва қайтариб юборишни таҳририят  
 ўз зиммасига олмайди.

**Журналнинг обуна индекси: 853**  
**ISSN 2010-6580**

Журнал ЎзР Матбуот ва ахборот агентлигида

2014 йил 2 июлда рўйхатдан ўтган.

Гувоҳнома рақами: 0058

Теришга берилди: 26.06.2019 й.

Босишга рухсат этилди: 10.07.2019 й.

Бичими: 60x90/8.

Офсет босма усулида чоп этилди.

Шартли босма табоғи: 9,0.

Буюртма № 61. Адади: 2450.

«Lux Print» МЧЖда чоп этилди  
 (Тошкент шаҳри, Миробод тумани,  
 Толлимаржон кўчаси, 1/1-уй).  
 Баҳоси шартнома асосида.

Ушбу нашр «Afrosiyob»  
 тезюар поездларида тарқатилади.

### МУАЛЛИФЛАР ДИҚҚАТИГА!

«Бозор, пул ва кредит» журналида мақолангизни чоп  
 этмокчи бўлсангиз, уни фақатгина электрон кўринишда  
 қуйидаги манзилга юборинг: [info@bpk.uz](mailto:info@bpk.uz)

Таҳририят томонидан қабул қилинадиган мақолаларга  
 талаблар билан журналистиканинг [www.bpk.uz](http://www.bpk.uz) сайти  
 орқали танишишингиз мумкин.

Эслатма: муаллифлар кўрсатилган электрон манзилга  
 мақола юборишда исми, фамилияси, лавозими, илмий  
 даражаси, иш жойи ва боғланиш телефонларини  
 аниқ кўрсатишлари ва мақоланинг инглиз тилидаги  
 аннотациясини юборишлари шарт.





8/2019

Август (267)

**Бозор, пул ва кредит**

**Ойлик илмий-амалий журнал**

1996 йил сентябрдан нашр этилмақда

## **БУ СОНДА В НОМЕРЕ**

### **СУҒУРТА БОЗОРИ**

- 6** *У. Умаров*  
«Ўзагросуғурта» Акциядорлик жамияти:  
фаолият кўлами ва истиқболлар

### **ИСЛОҲОТЛАР**

- 12** *В. Умиров*  
Мамлакатимиз тараққиётининг янги босқичи:  
ҳар соҳада туб ўзгаришлар амалга оширилмоқда

### **ПЕРСПЕКТИВЫ**

- 26** *Ф. Ниязов*  
Узбекистан: эпоха перемен

### **БАНК ФАОЛИЯТИ**

- 32** *Б. Нурмухамедов*  
Ипотека бозорининг бугуни ва келажакдаги  
истиқболи

### **РЕЙТИНГИ**

- 38** *Д. Раимова*  
Актуальность повышения кредитного рейтинга  
для Республики Узбекистан

### **МОНЕТАР СИЁСАТ / МОНЕТАРНАЯ ПОЛИТИКА**

- 42** *Ф. Шукуров, З. Бердиназаров, Э. Нигманов*  
Пул муомаласи абстракцияси:  
пассивдан активга қараб бошқариш


- 52** *Н. Абдуназарова*  
Мировой опыт и перспективы перехода  
на гибридное инфляционное таргетирование  
в Узбекистане

### **ТЕНДЕНЦИИ**

- 64** *Ш. Махкамова*  
Социально-экономические намерения молодежи  
Узбекистана




6



12



32



52



# «ЎЗАГРОСУҒУРТА» АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ: ФАОЛИЯТ КЎЛАМИ ВА ИСТИҚБОЛЛАР

*«Ўзагросуғурта» Акциядорлик жамияти – Ўзбекистон Республикаси молия бозорида 22 йилдан буён муваффақиятли фаолият юритиб келаётган етакчи универсал суғурта компанияларидан биридир. Бутун мамлакат бўйлаб 175дан ортиқ ҳудудий бўлинмалари ва қарийб 500та агентлик шохобчаларига эга. Компанияда 140дан ортиқ турдаги суғурта хизматлари кўрсатилади. Бугун Жамият тизимида меҳнат қилаётганларнинг сони 3,5 минг нафардан ошади. «Ўзагросуғурта» АЖ 1997 йил 25 февралда ташкил этилган. Унинг устав жамғармаси қарийб 109 миллиард сўм бўлиб, асосий таъсисчиси (94% улуш) Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкани бошқариш агентлиги ҳисобланади.*

*Жамият мижозлар талабларини ўрганишга жиддий эътибор қаратади. Бундай ёндашув суғурта турларини имкон қадар соддалаштириш ва қулайлигини таъминлашга хизмат қилмоқда. Мижозлар олдидаги мажбуриятларнинг тезкор, ўз вақтида ва тўлиқ бажариб борилиши натижаси ўлароқ Жамиятга бўлган ишонч мустаҳкамланиб, унинг мижозлари сони йилдан-йилга ортиб бормоқда.*





Компания «SAIPRO» ахборот-рейтинг агентлиги томонидан «Энг яхши суғурта компанияси» номинацияси бўйича охириг етти йилда уч марта ғолиб деб топилган.

«Ahbor-Reyting» рейтинг агентлиги «Ўзагросуғурта» АЖ учун 2018 йил биринчи ярим йиллик натижалари таҳлилида миллий шкала бўйича «барқарор» прогнози билан «uzA++» даражасидаги тўловга қобилиятлилик рейтингини тасдиқлади. Бу эса жамиятнинг тўловга қобилиятлилик даражаси барқарор юқори эканлигини ифода қилади.

Москва шаҳрида жамиятнинг ваколатхонаси мавжуд. Ушбу ваколатхона томонидан қатор самарали ишлар олиб борилмоқда. Россиянинг кучли суғурта ташкилотлари билан ҳамкорлик келишувларига эришилди. Хусусан, «Ўзагросуғурта» АЖ томонидан Россия Федерациясининг ҳамкор суғурта компаниялари билан янги, «Патент+» лойиҳаси амалга оширилгани шулар жумласидандир. Яна бир муҳим жиҳат, бугунги кунда Россияда вақтинчалик меҳнат фаолиятини амалга ошираётган Ўзбекистон фуқароларини ижтимоий ҳимоялаш мақсадида Компания томонидан қарийб 30 минг суғурта полиси сотилганини алоҳида эътироф этиш лозим.

«Ahbor-Reyting» рейтинг агентлиги «Ўзагросуғурта» АЖ учун 2018 йил биринчи ярим йиллик натижалари таҳлилида миллий шкала бўйича «барқарор» прогнози билан «uzA++» даражасидаги тўловга қобилиятлилик рейтингини тасдиқлади. Бу эса жамиятнинг тўловга қобилиятлилик даражаси барқарор юқори эканлигини ифода қилади.

### ҚОНУН ВА ДАВЛАТ ДАСТУРЛАРИ ИЖРОСИ

Ўзбекистон Республикасининг «Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида»ги ҳамда «Иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида»ги Қонунлари кучга киргандан то шу кунга қадар Жамият томонидан суғурталанувчиларга 62,7 миллиард сўм суғурта товонлари тўлаб берилди.

Давлатимиз Раҳбарининг «Ҳар бир оила – тадбиркор» дастури бўйича аҳолига ажратилаётган кредитларни имтиёзли, қулай суғурта тарифлари асосида суғурталаш ишлари амалга ошириб келинмоқда. Бу борада олти мингдан ортиқ суғурта шартномалари имзоланди. Бу эса 108,3 миллиард сўмлик суғурта мажбуриятлари олинди, деген мақдир.

2019 йил 23 августда «Хорижда вақтинчалик меҳнат фаолиятини амалга ошираётган Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Ҳукумат қарори қабул қилинди. Унга кўра, 2020 йил 1 январгача чет элга ишга кетаётган фуқароларни кетишдан олдин касбга йўналтириш марказлари ташкил этилади. Бунда ҳар бир таълим олувчи учун бир ойда 4 базавий ҳисоблаш миқдоридан ортиқ бўлмаган миқдорда грантлар ажратилади.







Шунингдек, меҳнат мигрантлари учун қуйидагилар имтиёзли суғурта қилинади:

- ишга жойлашишга патент ва бошқа ҳужжатлар берилишининг рад этилиши таваккалчилигини суғурта қилиш;

- транспорт харажатлари ва бошқа харажатлар учун кредитлар қайтарилмаслиги таваккалчилигини суғурта қилиш;

- ихтиёрий тиббий суғурта.

Ватанга қайтиб келган ишсиз ва банд бўлмаган меҳнат мигрантларига Бандликка кўмаклашиш жамғармаси ҳисобидан грантлар бериш йўли билан бепул касбий ўқитиш, қайта ўқитиш ва ма-

лакасини ошириш чоралари кўрилади.

2020-2021 йилларда Екатеринбург, Новосибирск, Волгоград, Пятигорск, Истанбул, Нур Султон, Дубайда Ташқи меҳнат миграцияси агентлиги ваколатхоналари очилади.

### «ЎЗАГРОСУҒУРТА» АЖ РАҚАМЛАРДА

2018 йилда республика суғурта бозоридаги суғурта мукофотларининг жами ҳажми (ҳаёт суғуртасидан ташқари) 1 218,0 млрд. сўмни ташкил этиб, «Ўзагросуғурта» АЖнинг суғурта бозоридаги улуши 14,6%дан иборат бўлди.

Жамият дастлаб ташкил этилган 1997 йилда 910,7 млн. сўм суғурта мукофотлари йиғилиб, шундан 254,8 млн. сўми

(28%) қишлоқ хўжалиги суғуртасига тўғри келган бўлса, 2018 йилда жами 178,8 млрд. сўм суғурта мукофотлари тушуми таъминланиб, шундан 60,6 млрд. сўм (33%) қишлоқ хўжалиги суғуртасига тўғри келди.

2018 молия йили якунларига кўра жамият активлари 232,7 млрд. сўмни ташкил этди. 123,7 млрд. сўм миқдоридаги суғурта захираларига эга компанияда суғурта мукофотлари тушуми 178,8 млрд. сўмни ташкил қилди ва айни чоғда Жамият томонидан тўлаб берилган суғурта товонлари ҳажми 64,9 млрд. сўмдан иборат бўлди.

Жамият ташкил этилган 1997 йилда суғурта тўловлари 196,1 млн. сўмни ташкил этган бўлса, 2018 йилда бу кўрсаткич 64,9 млрд. сўмни ташкил қилди. Ўтган 22 йил давомида суғурта қилдирувчиларга умумий ҳисобда 288,6 млрд. сўмдан ортиқ суғурта тўловлари амалга оширилди.

«Ўзагросуғурта» АЖ томонидан 2018 йилда суғурта ҳимоясига олинган барча объектлар бўйича мажбуриятлар

Жамият ташкил этилган 1997 йилда суғурта тўловлари 196,1 млн. сўмни ташкил этган бўлса, 2018 йилда бу кўрсаткич 64,9 млрд. сўмни ташкил қилди. Ўтган 22 йил давомида суғурта қилдирувчиларга умумий ҳисобда 288,6 млрд. сўмдан ортиқ суғурта тўловлари амалга оширилди.





миқдори 63,8 трлн. сўмдан ошди. Тўпланган маблағларнинг мажбурий суғурта турларидан деярли икки баравар кўплигини Жамият томонидан аҳоли суғурта маданиятини ошириш борасида қилинаётган саъй-ҳаракатларнинг ижобий натижаси сифатида баҳолаш мумкин.

Жамиятнинг устав капитали ўтган йигирма йил ичида 54,5 бараварга оширилиб, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 26 июндаги «Ўзагросуғурта» акциядорлик жамиятининг молиявий аҳволини яхшилаш чора тадбирлари тўғрисида»ги 477-сонли қарори асосида жамият устав капитали 108,9 млрд. сўмга етказилди.

Жамият ташкил топган даврда (1997 йилда) инвестиция портфели 800 млн. сўм бўлган бўлса, сўнгги 22 йил ичида бу кўрсаткич 143,0 мартага кўпайиб, 2018 йил 31 декабрь ҳолатига 114.4 млрд. сўмни ташкил этди.

2019 йилнинг биринчи ярим йиллигида Жамият бўйича 134 млрд. сўмдан ошиқ миқдорда суғурта мукофотлари тушуми таъминланди. Ўтган олти ой давомида тузилган шартномалар бўйича олинган мажбуриятлар 36,3 трлн. сўмни ташкил этди. Келиб тушган 10,5 мингта аризадан 9,8 мингтаси қаноатлантирилиб, умумий миқдорда 28,4 млрд. сўм миқдоридagi суғурта товонлари тўлаб берилди.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини суғурталаш ва мамлакатимизнинг чекка маскан-

лари аҳолисига суғурта хизматларини кўрсатиш борасида ҳам салмоқли ишлар амалга оширилиб, шартномаларнинг 22 851тасини шу йўналишдаги шартномалар ташкил этди, улар юзасидан 18,3 млрд. сўм миқдоридagi суғурта товонлари тўланди. Шу жумладан, аҳоли суғуртаси бўйича 1 млн. дан ортиқ шартномалар имзоланиб, 4,3 млрд. сўм миқдоридagi товон пуллари тўлаб берилди.

### **ФАОЛИЯТ КЎЛАМИНИ КЕНГАЙТИРИШ ВА СУҒУРТА МАДАНИЯТИНИ ОШИРИШ БОРАСИДАГИ ИШЛАР**

«Ўзагросуғурта» АЖ томонидан аҳолининг суғурта маданиятини ошириш мақса-

## **” МАЪЛУМОТ**

### **ЖАМИЯТ ЎЗ ФАОЛИЯТИДА ҚУЙИДАГИ ТАМОЙИЛЛАРГА ОҒИШМАЙ АМАЛ ҚИЛАДИ:**

- Масъулиятлилик ва ҳаққонийлик;
- Мижозлар билан узоқ муддатли ва ўзаро манфаатли ҳамкорлик;
- Амалга ошириладиган суғурта битимларининг самарадорлигини, ишончлилигини таъминлаш;
- Кўрсатилаётган суғурта хизматларининг шаффофлигини таъминлаш;
- Мижозларга комплекс ва сифатли хизмат кўрсатиш;
- Кенг қамровли суғурта хизматларини кўрсатиш;
- Янги ахборот технологияларини амалиётда кенг қўллаш;
- Иш юритиш этикасига риоя қилиш



ди кўзланган анжуманларни ўтказиш одат тусига кирган. Хусусан, август ойи охирида Ўзбекистон Миллий матбуот марказида республика оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирокида «Суғурта соҳасида қабул қилинаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, уларнинг ижроси ҳамда юридик ва жисмоний шахсларга кўрсатилаётган мажбурий суғурта турлари» мавзусида матбуот анжумани бўлиб ўтди.

Давлатимиз раҳбарининг 2019 йил 2 августдаги «Ўзбекистон Республикасининг су-

Маълумки, суғурта фаолияти мажбурий ва ихтиёрий шаклда амалга оширилади. Бозор иқтисодиёти даврида турли-туман хатарлардан ҳимояланишнинг энг мақбул усули суғуртадир. Шунинг учун ҳам айрим фаолият турларини мажбурий шаклда амалга ошириш молиявий зарарларни камайтиришда муҳим аҳамиятга эга.

Кейинги йилларда мажбурий суғурта турлари бўйича кўрсатилаётган хизмат турларининг ҳажми ортиб бормоқда. Хусусан, «Ўзагросуғурта» акциядорлик жамияти томони-

юритаётган судьяларнинг ҳаёти ва соғлиғини давлат томонидан мажбурий суғурта қилиш бўйича шартномалар тузилмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг «Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида»ги Қонуни ижросини таъминлаш борасида Жамият томонидан 2019 йилнинг биринчи ярим йиллиги давомида 16 миллиард 917 миллион сўмдан ортиқ суғурта мукофоти тушуми таъминланган бўлса, 2,9 миллиард



суғурта бозорини ислоҳ қилиш ва унинг жадал ривожланишини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори билан Ўзбекистон Республикасининг суғурта бозорини жадал ривожлантириш бўйича «Йўл харитаси» қабул қилинди ҳамда чора-тадбирлар белгилаб берилди. Улар қаторида «Мажбурий суғурта турлари тўғрисида»ги қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш муҳим аҳамиятга эга.

дан 2019 йилнинг ярим йиллиги давомида мажбурий суғурта турлари бўйича 33,4 миллиард сўм йиғилди. Шу билан бирга, мижозларга 6,7 миллиард сўм суғурта товони тўлаб берилди.

Қайд этилдики, «Ўзагросуғурта» АЖ томонидан иш берувчилар, транспорт воситалари эгалари ва ташувчиларнинг фуқаролик жавобгарлиги, шунингдек, қурилиш-монтаж ишлари вақтидаги хатар-

лар, хавfli ишлаб чиқариш объектида авария юз берган тақдирда бошқа шахсларнинг ҳаёти, соғлиғи ёки мол-мулкига ва атроф-муҳитга зарар етказганлик учун фуқаролик жавобгарлиги мажбурий суғурта қилинмоқда. Бундан ташқари, қутқарув хизматлари ва тузилмаларининг қутқарувчилари, шу билан бирга, ваколатли суд органларида фаолият





сўмлик суғурта товони тўлаб берилди. Бу эса фуқароларнинг соғлиғи, ҳаёти ҳамда мулкрий манфаатларига етказилган зарарни қоплаш борасида ижобий томонга силжиш кузатилаётганидан далолат беради.

«Иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни мамлакатимиз аҳолисининг меҳнат ҳуқуқларини ҳимоялаш, уларнинг ижтимоий муҳофазасини таъминлаш борасидаги муносабатларни тартибга солишда муҳим омил бўлмоқда.

Жамият томонидан суғуртанинг ушбу тури бўйича 10 миллиард 624 миллион сўмдан ортиқ мукофот тушуми таъминланди ва шартномалар бўйича олинган жавобгарлик ҳажми қарийб 11 трлн. 473 млрд. сўмдан ошди. Бу бўйича 56та даъво аризалари кўриб чиқилди. Жабрланувчиларга ва вафот этган ходимларнинг меҳнатга қобилиятсиз оила аъзоларига 3 млрд. 729 млн. сўмдан ошиқ суғурта товони тўланди.

Кези келганда шуни айтиб ўтиш лозимки, «Ўзагросуғурта» акциядорлик жамияти тизимида фаолият юритаётган 2000дан ортиқ суғурта агентлари ўртасида вақти-вақти билан танловлар ўтказиб борилади ва ғолиблар аниқланиб, улар қимматли совғалар ва пул мукофотлари билан тақдирландилар. Хусусан, яқинда жамиятнинг Тошкент вилояти филиали суғурта агенти Дилфуза Тошпўлатова 2,5 миллион сўм миқдорида пул мукофоти билан тақдирланди.

Бундан ташқари, мамлакатимиз мустақиллигининг 28 йиллик тўйи арафасида «Ўзагросуғурта» акциядорлик жамияти томонидан Тошкент вилояти Оҳангарон туманида меҳр-мурувват ва эзгулик хайрия тадбири ўтказилди. Ушбу тадбир доирасида «Саховат» интернат уйида яшаётган кексалар, ногиронлиги бўлган шахсларга дори-дармон ва бошқа эҳтиёжлар учун зарур ҳомийлик ёрдами кўрсатилди.

Умумхалқ байрами олдида «Ҳашар – элга ярашар!» шиори остида Мустақиллигимизнинг 28 йиллигини муносиб кутиб олиш ва уни тантанали нишонлаш мақсадида «Ўзагросуғур-

та» акциядорлик жамиятида хайрия ҳашари ҳам ташкил этилди.

Суғурта бозори иқтисодиётнинг, жумладан, молия бозорининг ажралмас таркибий қисми бўлиб, замонга мос равишда такомиллашиб бораверади. Бу жараёнларда «Ўзагросуғурта» акциядорлик жамияти ҳам муносиб ҳисса қўшиб келмоқда.

#### ABSTRACTS

#### JOINT STOCK COMPANY «UZAGROSUGURTA»: SCOPE AND PROSPECTS

Joint-Stock Company "Uzagrosugurta" is one of the leading universal insurance companies successfully operating in the financial market of the Republic of Uzbekistan. The article focuses on the implementation of legislative acts and Government Programs by the company, the coverage of the company's activities, as well as the scope of activities and issues on increasing insurance culture of the population.

*Реклама ўрнида.*

*Учкун Умаров тайёрлади.*



# МАМЛАКАТИМИЗ ТАРАҚҚИЁТИНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИ: ҲАР СОҲАДА ТУБ ЎЗГАРИШЛАР АМАЛГА ОШИРИЛМОҚДА

*Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар масалалари қўмитаси раиси Муҳаммад Жумагалдиев билан журналимиз бош муҳаррири ўринбосари Воҳид Умиров суҳбатлашди.*

– Ассалому алайкум, Муҳаммад Рўзимович. Мустақиллигимизнинг 28 йили давомида Ўзбекистон иқтисодиётининг барча тармоқларида катта ўзгаришлар амалга оширилди, албатта. Бироқ сўнги 2-3 йил ичида эришилган натижаларни анчайин салмоқли, дейиш мумкин. Молия-банк соҳасидаги туб ислоҳотлар шулар жумласидандир. Бу – давр талабими ёки...

– Авваламбор, халқимизни, қолаверса, журнал ўқувчиларини ушбу байрам билан муборакбод этаман, Истиқлолимиз абадий бўлишини, мамлакатимиз эса яқин келажакда дунёнинг юсак даражада тараққий этган етакчи давлатларидан бирига айланишини тилайман!

Бугун иқтисодиётда юз бераётган ўзгаришлар кўлами ва салмоғи мамлакат тараққиётида мутлақо янги давр бошлангандан далолат бермоқда. Йиллар давомида тўпланиб қолган масалалар сўнги йилларда мантиқий ечимини топди ва яна қатор ишлар ҳал этилиши лозим. Иқтисодий ислоҳотлар муваффақияти кўп жиҳатдан иқтисодий тизимнинг қон



**Муҳаммад  
Жумагалдиев,**

*Ўзбекистон Республикаси  
Олий Мажлиси Сенатининг  
Бюджет ва иқтисодий  
ислоҳотлар масалалари  
қўмитаси раиси*

томири бўлган молия ва банк соҳаларининг бир маромда ишлаб туришини ва уларга юклатилган вазифаларнинг изчил бажариб борилишини талаб этади.

Шу жиҳатдан сўнги йилларда банк тизими оммабоплигини ошириш борасидаги Президентимизнинг ташаббуслари, фармон ва қарорлари, тижорат банклари эркинлигини ошириш, уларни банк фаолиятига хос бўлмаган функцияларни бажаришдан озод этиш, валюта бозорининг эркинлаштирилиши, нақд пул айланмасининг қисқартирилиши, қолаверса, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки функциялари ва вазифалари қайта кўриб чиқилганлиги ва тегишли қонунга ўзгартириш киритилганлиги айна муддао бўлди.

Банк-молия соҳасини эркинлаштириш борасида анчамунча ишлар қилинди ва бу саъй-ҳаракатлар ҳозирги давр шиддати билан ҳамоҳангдир. Ислоҳотларнинг муваффақиятли амалга оширилиши қонун-

Бугун иқтисодиётда юз бераётган ўзгаришлар кўлами ва салмоғи мамлакат тараққиётида мутлақо янги давр бошлангандан далолат бермоқда. Йиллар давомида тўпланиб қолган масалалар сўнги йилларда мантиқий ечимини топди ва яна қатор ишлар ҳал этилиши лозим.





чилик базасининг такомиллаштирилишини талаб этмоқда ва бу борада ҳам кўпгина ишлар амалга оширилди. Қатор янги қонунлар қабул қилинди, мавжудларига эса замон талабларидан келиб чиқиб ўзгартишлар киритилди. Бу жараён давом этмоқда, чунки ҳаёт доимий ривожланишда ва юз бераётган эврилишлар амалдаги қонунчиликда ўз аксини топмоғи лозим.

– **Олий Мажлис Сенатининг Бюджет ва иқтисодий ислохотлар масалалари қўмитаси фаолиятида шу йўналишдаги қайси масалаларга кўпроқ аҳамият берилмоқда?**

– 2019 йилнинг ўтган олти ойида амалга оширилган ишлар, эришилган натижалар сарҳисоби қўмитамиз фаолияти ҳақида тасаввурга эга бўлиш имконини беради. 2019 йилга мўлжалланган иш фаолиятимизда мухтарам Президентимизнинг 2018 йил 28 декабрдаги Олий Мажлисга мурожаатномасида қўйилган вазифаларни фаолиятимизнинг устувор йўналиши сифатида белгилаб олган эдик. Жумладан, ўтган олти ой давомида қўмитанинг 4та мажлиси ўтказилиб, уларда 27та ма-

сала кўриб чиқилди. Уларнинг бештасини қўмита йўналишига тааллуқли қонунлар ташкил этди.

Хусусан, қўмитанинг 2019 йил 27 февралдаги мажлисида «Ҳукуматни шакллантириш тартиби демократлаштирилиши ва унинг масъулияти кучайтирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги ҳамда «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунлари кўриб чиқилиб, улар бўйича ижобий хулосалар берилди.

Бундан ташқари, яна 3та янги қонун ялпи мажлис муҳокамасига киритилди. 2019 йил 1 майдаги мажлисда «Давлатхусусий шериклик тўғрисида»ги ҳамда «Қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунлари кўриб чиқилди.

2019 йил 20 июнь куни бўлиб ўтган мажлисда «Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси тўғрисида»ги Ўзбе-

кистон Республикаси Қонуни кўриб чиқилиб, у бўйича ҳам қўмитанинг ижобий хулосаси берилди.

– **Бу қонунларнинг мамлакатимиз сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ҳаётидаги ўрни ҳақида фикрингизни билмоқчи эдик.**

– «Ҳукуматни шакллантириш тартиби демократлаштирилиши ва унинг масъулияти кучайтирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига келсак, унинг қабул қилиниши билан Вазирлар Маҳкамаси аъзоси лавозимига тавсия этилган номзоднинг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари ва фракциялари олдида истиқболдаги вазифаларни бажариш бўйича белгилаган режасини ҳимоя қилиши ва унга баҳо бериш тартиби жорий қилинади ҳамда шу йўл билан ҳукумат аъзолигига муносиб номзодларни танлаш тизими такомиллаштирилади.

Қонуннинг ҳаётга татбиқ этилиши натижасида мамлакатимизни модернизация қи-



лиш ҳамда жамиятнинг барча соҳаларини либераллаштириш бўйича олиб борилаётган ислохотларнинг жадаллашуви таъминланади, аҳоли турмуш тарзини яхшилаш ва тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш учун қулай шарт-шароитларни вужудга келтириш орқали тўғридан-тўғри чет эл инвестициялари жалб этилиши имконияти яратилади.

– **Давлат-хусусий шериклик тўғрисида батафсилроқ тўхталиб ўтсангиз. Шу вақтгача бундай амалиёт бизда бўлмаган эди. Энди эса бундай шериклик қонун йўли билан мустаҳкамланмоқда...**

– Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг Ҳаракатлар стратегиясида бош мавзулардан бири сифатида давлат бошқаруви тизимини ислоҳ қилиш ва иқтисодий тартибга солишда давлат иштирокини босқичма-босқич қисқартириш орқали мамлакатни ижтимоий-сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришда ўзаро манфаатли ҳамкорликнинг самарасини оширишга қаратилган давлат-хусусий шерикликнинг замонавий механизмларини жорий этиш белгиланган.

«Давлат-хусусий шериклик тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг қабул қилиниши халқаро амалиётга мос келадиган давлат-хусусий шериклик лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш билан боғлиқ ягона қоидалар, тартиб-таомиллар амалга оширилиши таъминланишига, қўшимча иш ўринлари ташкил этилишига, давлат-хусусий шериклик тартиб-таомилларига жалб этилган тармоқлар, идоралар ва хусусий сектор мутахассислари малака даражаси оширилишига кўмаклашди. Шунини алоҳида таъкидлаш жоизки, бирор бир мамлакатда барча лойиҳаларни фақат давлат томонидан молиялаштириш учун маблағ етарли бўлмайди, қолаверса, бунинг имконияти ҳам йўқ. Шу боис ижтимоий соҳадаги ва давлат аҳамиятига эга йирик лойиҳалар давлат-хусусий шериклик механизми асосида амалга оширилади. Бизнинг мамлакатимизда ҳам бу борада дастлабки қадамлар қўйилаётгани таҳсинга лойиқ иш бўлди.

2019 йил 11 февраль куни қўмитамиз томонидан «Давлат-хусусий шериклик фаолиятини

ривожлантириш орқали иқтисодий бошқаришда давлат иштирокини камайтириш: хорижий тажриба ва мамлакатимиз истиқболлари» мавзусида халқаро семинар ўтказилди. Семинарда Жаҳон банки ва Халқаро молия институтлари мутахассислари, экспертлари фаол иштирок этиб, ўз таклиф ва тавсияларини билдиришди. Улардан «Давлат-хусусий шериклик тўғрисида»ги қонун лойиҳасини такомиллаштиришда фойдаланилди.

2019 йил – «Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили»да амалга ошириш мўлжалланган Давлат дастурида «...давлатнинг иқтисодий фаолиятдаги иштироки аниқ чегараларини белгилаш, жамият ва давлат олдида турган ижтимоий вазифаларни ҳал этишда ижтимоий шериклик институтини кенг жорий этиш» вазифалари қўйилган.

Иқтисодий либераллаштириш бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирлар ва институционал ислохотлар инвестиция муҳитини яхшилаш, хорижий ва маҳаллий инвесторлар сонини орттириш билан бирга, анъанавий равишда





давлат тасарруфида ва бошқарувида бўлган иқтисодий тармоқлари ва ижтимоий соҳада тўпланиб қолган муаммо ва камчиликларни давлат-хусусий шериклик тизимини жорий этиш орқали ҳал қилиш юзасидан муҳим чоралар кўришни тақозо этади.

Шунингдек, давлат-хусусий шерикликни ривожлантиришнинг тамойиллари, шартлари ва йўналишларини белгиловчи ҳуқуқий базани, ўрта ва узоқ муддатли истиқболда бюджет тизимига молиявий, техник ва тижорат хатарлари таъсирини баҳолаш механизминини ишлаб чиқиш талаб этилмоқда. Шундан келиб чиқиб, ижтимоий аҳамиятга эга бўлган вазифаларни ўзаро манфаатли шартларда тезкорлик билан ҳал этиш, шунингдек, давлат-хусусий шериклик тизимини самарали ташкил этиш, бошқариш ва мувофиқлаштиришдаги имкониятларни ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг тегишли қарорлари қабул қилиниб, бу борадаги вазифалар кўлами кенгайтирилмоқда.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 20 октябрдаги ПҚ-3980-сонли қарори билан маданият ва санъат соҳасида аҳоли кам таъминланган қатламларига ёрдам берган, маданият объектларини қуриш, реконструкция қилиш ва жиҳозлашда шериклик асосида инвестиция қилган хусусий шерикларга ер участкаларини бепул ажратиш, бино-иншоотлардан имтиёзли асосларда фойдаланиш ҳуқуқларини бериш кўзда тутилган.

Юқоридаги каби имтиёзлар мактабгача таълим соҳасида

**Қатор янги қонунлар қабул қилинди, мавжудларига эса замон талабларидан келиб чиқиб ўзгартишлар киритилди. Бу жараён давом этмоқда, чунки ҳаёт доимий ривожланишда ва юз бераётган эврилишлар амалдаги қонунчиликда ўз аксини топмоғи лозим.**

давлат-хусусий шерикликни амалга оширган хусусий инвесторларга нисбатан ҳам қўлланилиши, уларга имтиёзли кредитлар ажратилиши меъёрий ҳужжатларда белгилаб қўйилган. Мазкур механизм орқали ижтимоий, яъни мактабгача таълим, умумий ва олий таълим ҳамда соғлиқни сақлаш соҳалари, уй-жой коммунал хўжалиги, автомобиль йўллари қурилиши, электр таъминоти каби тармоқларидаги инфратузилма лойиҳаларини рўёбга чиқариш мамлакат иқтисодиётини ривожлантириш, фуқароларни ижтимоий қўллаб-қувватлашда катта самара келтиради, деб ўйлайман.

Аниқ мисолларга келсак, соҳада истиқболли лойиҳаларни қўллаш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг жорий йил 7 феврилдаги 105-сонли қарорига кўра Сирдарё вилоятининг Мирзаобод туманидаги «Бек Кластер» масъулияти чекланган жамиятига гидромелиорация коллежини давлат-хусусий шериклик шартлари асосида текин фойдаланишга бериш орқали мазкур кластер муассислигида «Ўсимлик маҳсулотларини етиштириш ва қайта ишлаш технологиялари илмий-амалий маркази»ни ташкил этиш белгиланган. Хусусий шерикнинг вазифалари сифатида инвестиция маблағлари ҳисобидан объектни реконструкция қилиш, жиҳозлаш, янги иш ўринларини яратиш, ёш мутахассисларни

хорижий амалиётларга юбориш, коллеж битирувчиларини иш билан таъминлаш ва инновацион суғориш тизимини ташкил этиш кабилар кўрсатилган.

Давлат-хусусий шерикликнинг халқаро амалиёти шунини кўрсатадики, ривожланган давлатларда мазкур ҳамкорлик асосан ижтимоий вазифаларни ҳал этишга қаратилган. Масалан, Европа давлатларида жами давлат-хусусий шериклик шартномаларининг 34 фоизи таълим йўналишига, 21 фоизи соғлиқни сақлаш йўналишига тўғри келади.

Шунингдек, ривожланган давлатларда йирик лойиҳаларни амалга оширишда ҳам давлат-хусусий шериклик механизмидан кенг фойдаланилади ва у катта самара келтиради. Масалан, 2017 йилда Буюк Британияда давлат-хусусий шериклик асосида амалга оширилган 400та йирик лойиҳадан 80 фоизи рентабеллиги лойиҳадагига нисбатан юқори бўлган ва муддатидан аввал бажарилган. Германияда эса давлат-хусусий шериклик механизми қўлланган йирик лойиҳаларнинг натижадорлиги бошқа лойиҳаларга нисбатан 16 фоизга юқори бўлган.

Дунёга машҳур бўлган электр станциялар, Португалиядаги «Васко да Гама» кўприги, Грециядаги Спата аэропорти, Коринф каналидаги кўприклар ҳам давлат-хусусий



шериклик тамойили асосида яратилган.

Юқоридагилар ҳамда давлат-хусусий шериклик тизимининг Ўзбекистон иқдисодий ва ижтимоий ривожланиши учун долзарблиги, соҳани тартибга солиш, молиялаштириш, белгиланадиган кафолатлар ва уларни қўллашнинг самарали восита ва механизмлари, лойиҳалар афзаллиги ва самарадорлиги, дастурлар амалга оширилишини услубий қўллаб-қувватлаш, лойиҳалар ва тизим фаолияти мониторинги масалалари чуқур ўрганишни талаб этмоқда.

**– Ҳозир ер юзида энергия самарадорлиги ва қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш тобора долзарб аҳамиятга эга бўлиб бормоқда. Шу маънода «Қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг қабул қилиниши истиқболда бизга нима беради?**

– Ушбу қонун биринчи навбатда иқтисодиётда энергия ва ресурслар сарфини камайтириш, ишлаб чиқаришда энергия тежовчи технологияларни кенг жорий этиш ва қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланишни кенгайтириш борасидаги қонунчилик базасини такомиллаштиришда дастлабки қадамлардан бири бўлади. Очиқ тан олиш лозим-

ки, бу йўналишда мавжуд имкониятлардан тўлиқ ва самарали фойдаланилаётгани йўқ. Мамлакатимиз бўйича ишлаб чиқарилаётган энергиянинг бор-йўғи 3%га яқин қисмигина қайта тикланувчи энергия манбалари ҳисобидан ишлаб чиқарилади. Айрим Европа давлатларида бу кўрсаткич 50–60%ни ташкил қилади. Қуёш энергетикасига келсак, мамлакатимизда бу борада катта имкониятлар мавжуд, чунки биз қуёшли кунлар энг узоқ давом этадиган мамлакатлар сирасига кирамиз. Бу қонун ушбу камчиликни тўғрилашга хизмат қилади ва қуёш энергетикасини ривожлантириш борасида катта уфқлар очади, деб ҳисоблайман. Бу борада имтиёзлар тизимини ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқ бўлади.

**– Сўнгги вақтларда бюджет маблағлари сарфланиши устидан назоратни мустаҳкамлаш долзарб масалалардан бири бўлиб турибди, шундай эмасми?**

– Мамлакат миқёсида ижтимоий дастурларни амалга оширишга катта эътибор қаратилмоқда. Бундай лойиҳаларга йўналтирилаётган катта миқдордаги маблағлар эса уларнинг тасарруф этилиши устидан қатъий назорат ўрнатилишини талаб этади. «Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси тўғриси-

да»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг қабул қилиниши Ҳисоб палатаси фаолиятининг ҳуқуқий асоси тартибга солинишига, молия ва бюджет муносабатлари ривожлантирилиши ҳамда такомиллаштирилиши бўйича давлат сиёсати таъминланишига, қолаверса, Ҳисоб палатаси фаолияти соҳасидаги Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларини такомиллаштириш орқали унинг фаолияти самарадорлигини ошириш бўйича ҳуқуқий шарт-шароитлар яратилишига, пировардида Ўзбекистон Республикаси молия тизими ишончли фаолият кўрсатишига, бюджет маблағларидан мақсадли, самарали ва оқилона фойдаланилиши устидан қатъий назорат таъминланишига, олий даражадаги ташрифлар доирасида эришилган битим ва шартномалар, Давлат дастурлари ва ҳудудий ривожлантириш дастурларининг бажарилиши устидан самарали назорат ўрнатилишига қаратилган.

**– Муҳаммаджон Рўзимович, амалга оширилаётган ислохотлар мазмун-моҳиятини, қабул қилинаётган қонунларнинг аҳамиятини аҳолига тушунтириш муҳим тадбир ҳисобланади, бу борада қўмита аъзолари томонидан бажарилган ишлар ҳақида қисқача тўхталиб ўтсангиз.**

– Ўтган даврда қўмита аъзолари 1100га яқин тадбирда иштирок этишиб, уларда 700 маротаба маърузалар билан чиқдилар, ўз сайловчилари билан 411 маротаба учрашувлар ўтказдилар. Жумладан, жорий йил 28 июнь кунини Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. Мирзиёевнинг Олий Мажлис Сенати йигирман-

**Бирор бир мамлакатда барча лойиҳаларни фақат давлат томонидан молиялаштириш учун маблағ етарли бўлмади, қолаверса, бунинг имконияти ҳам йўқ. Шу боис ижтимоий соҳадаги ва давлат аҳамиятига эга йирик лойиҳалар давлат-хусусий шериклик механизми асосида амалга оширилади.**





чи ялпи мажлисидаги нутқидан келиб чиқадиган вазифалар, маъқулланган қонунлар мазмун-моҳиятини кенг оммага, хусусан, маҳаллий Кенгашлар депутатлари, қонунларни бевосита ижро этувчи мутасаддиларга етказиш мақсадида Наманган вилоятида хизмат сафарига бўлиб, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари депутатлари, маҳалла фаоллари ва янги сайланган МФЙ раислари билан учрашувлар ўтказилиб, тарғибот-тушунтириш ишлари олиб борилди.

Қабул қилинаётган қонунларнинг тарғиботи ва дастурлар ижросига бағишлаб қўмита томонидан ўтказилаётган тадбирлар ҳақида фуқароларни хабардор қилиш мақсадида телевидениеда, радиода ва даврий матбуот саҳифаларида сенаторларнинг 650га яқин чиқиши ташкил этилди. Булардан 250дан ортиғи телевидение, 100таси радио ва қарийб 300таси босма оммавий ахборот воситалари орқали амалга оширилди.

Жисмоний ва юридик шахслардан келиб тушган 13000дан ортиқ мурожаат Қўмита аъзолари томонидан кўриб чиқилди

ва мурожаатларда кўтарилган масалалар ечимини топиш мақсадида давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларига 124та сенатор сўрови ва мурожаатлари юборилиб, ижроси назоратга олинди, уларнинг аксарияти ижобий ечим топди. Хусусан, Яшнобод туманида 2.7 млн. АҚШ долл. миқдорида тўғридан-тўғри хорижий инвестиция жалб этиб, 100дан ортиқ доимий иш ўринлари яратиш бўйича ўз лойиҳасини амалга оширишни режалаштираётган «Continental Textiles» оилавий корхонасининг унга нисбатан Тошкент шаҳар идоралараро комиссиясининг 2018 йил октябрь ойидаги баённомасига биноан 2019 йил январдан бошлаб ер солиғини икки карра миқдорда тўлаш таъсир чораси қўлланилганлиги ва ишлар амалга оширилиши бошланганлигига қарамасдан ушбу чора қайта кўриб чиқилмаётганлиги тўғрисидаги ариза-си қўмита аралашувидан кейингина ижобий ҳал этилди.


Шунингдек, «NATURE COTTON» чет эл корхонасининг Тошкент вилояти «Пскент кичик саноат зонаси»дан кунига 50 тонна пахта чигитини қайта ишлашга мўлжаллан-

ган завод (МЭЗ) қуриш бўйича 3,94 млн. АҚШ доллари миқдорида инвестиция лойиҳасини амалга ошириш учун бўш турган бино ва ишлаб чиқариш майдони ажратиш тўғрисидаги мурожаати туман ҳокимлиги томонидан рад этилганлиги тўғрисида Олий Мажлис Сенатига жорий йил апрель ойида келиб тушган мурожаати ҳам Сенат аралашувидан кейин туман комиссиясининг 2019 йил 22 майдаги қарори билан ижобий ҳал этилган.

Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Ҳисобот даврида қўмита аъзолари томонидан 2700 нафар фуқаролар қабул қилиниб, улар томонидан билдирилган масалалар тегишлилиги бўйича Вазирлар Маҳкамаси, вазирлик ва идораларга юборилиб, ижроси назоратга олинди.

**– Иқтисодиётимизда шиддат билан кечаётган ўзгаришлар суғурта бозори ривожлантирилишини талаб этади. Бироқ, тан олишимиз керак, суғурта фаолияти бозор инфратузилмалари орасида энг суст ривожланаётган соҳалардан бири ва у тубдан ислоҳ қилинишга муҳтож, шундай эмасми?**







**ЖОНАЖОН**




**ЎЗБЕКИСТОНИМ,**



**МАНГУ**



**БЎЛ ОМОН !**





– 2019 йил 27 февраль куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Бюджет ва иқтисодий ислохотлар масалалари қўмитаси мажлисида «Суғурта фаолияти тўғрисида»ги Қонуннинг Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан ижро этилишини ўрганиш натижалари кўриб чиқилиб, қўмитанинг 2019 йил 27 февралдаги қарори қабул қилинди ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига 2019 йил 28 мартда ахборот киритилди.

Ҳозирги кунда «Суғурта фаолияти тўғрисида»ги Қонуннинг янги таҳрирдаги лойиҳаси ва тизимни ривожлантириш бўйича Президент қарори лойиҳаси тегишли хизматлар томонидан кўриб чиқилмоқда.

Мамлакат суғурта бозорини ривожлантириш мақсадида Ҳаракатлар стратегиясида суғурта хизматлари ҳажмини уларнинг янги турларини жорий қилиш ва сифатини ошириш ҳисобига кенгайтириш, шунингдек, капитални жалб қилиш ҳамда корхона, молиявий институтлар ва аҳолининг эркин ресурсларини жойлаштиришдаги муқобил манба сифатида фонд бозори-

ни ривожлантириш белгиланган.

2019 йил «Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили»да амалга оширилиши кўзда тутилган Давлат дастурида Суғурта бозорини ислох қилиш ва жадал ривожлантириш вазибалари қўйилган.

Бугунги кунда республикада 30та суғурта компанияси мавжуд бўлиб, улардан 24таси умумий суғурта ва 6таси ҳаёт суғуртаси соҳасида фаолият кўрсатиб келишмоқда. Шунингдек, 4та суғурта брокери фаолият юритади. Ҳозирги кунда суғурта компанияларида 6мингга яқин ходимлар ва 8минг 500дан ортиқ суғурта агентлари фаолият юритишмоқда.

Шуни таъкидлаш лозимки, бугунги кундаги суғурта бозорининг ривожланиши республика иқтисодиётида амалга оширилаётган ислохотларнинг кўлами ва суръатига мос келмай, аҳоли ва тадбиркорларнинг суғурта хизматларига бўлган зарур эҳтиёжларини тўлиқ қондира олмаяпти. Суғурта ташкилотларининг суғурталаш жараёнида суғурталанувчилар ёки суғурта объектларига нисбатан ноқонуний талаблар қўйиши ҳақли

этирозларга сабаб бўлмоқда. Бундан ташқари, суғурталаш жараёнида суғурталанувчиларга уларнинг ҳақ-ҳуқуқлари тўлиқ ва тўғри тушунтирилмаётганлиги натижасида суғурта ҳолатлари содир бўлганидан сўнг томонлар ўртасида келишмовчиликлар келиб чиқиб, ишларнинг суд идораларида кўрилиши билан яқунланмоқда.

Суғурталаш жараёнида иш юритиш тизимининг аксарият ҳолларда давлат тилида олиб борилмаслиги ҳам суғурта шартномалари тузиш ва унинг ижросини таъминлашда муаммоларни келтириб чиқараётганлиги билан бир қаторда, мамлакат аҳолиси асосий қисмига ушбу соҳанинг тушунарсиз бўлиб қолишига олиб келмоқда. Ўз навбатида, суғурта ҳодисаси содир бўлган ҳолларда тўловларни тўлиқ амалга оширмаслик ҳолатлари эса қайта суғурталаш имкониятларига тўсқинлик қилиш билан бирга, суғурта тизимида бўлган ишончнинг пасайишига ҳам сабаб бўлмоқда.

Шу билан бирга, суғурта бозорини ривожлантириш, истеъмолчиларнинг суғуртага ишончини ошириш, илғор хорижий тажрибалар ҳамда







Суғурталаш жараёнида иш юритиш тизимининг аксарият ҳолларда давлат тилида олиб борилмаслиги ҳам суғурта шартномалари тузиш ва унинг ижросини таъминлашда муаммоларни келтириб чиқараётганлиги билан бир қаторда, мамлакат аҳолиси асосий қисмига ушбу соҳанинг тушунарсиз бўлиб қолишига олиб келмоқда.

ахборот-коммуникация технологияларининг илғор ютуқларини соҳада жорий қилиш, энг мақбул ва жозибador суғурта хизматларини яратиш, суғурта соҳасига қимматли қоғозлар эмиссияси орқали инвестициялар жалб қилиш, халқаро стандартлар ва таъминотлар асосида коррупция ва суғурта фирибгарлигига қарши курашиш каби долзарб масалалар ваколатли орган ва суғурта компанияларининг эътиборидан четда қолмоқда.

Шунингдек, мамлакат бўйича суғурта мукофотлари билан суғурта тўловлари ўртасида юқори даражадаги тафовут сақланиб қолмоқда. Натижада мамлакатимизда аҳоли жон бошига тўғри келадиган суғурта мукофотлари ўртача 48,8 минг сўмни (ҳозирги курс бўйича тахминан 5,0 АҚШ дол.), унинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши эса бор-йўғи 0,4 фоизни ташкил этмоқда.

Ғарбий Европада аҳоли жон бошига тўғри келадиган суғурта мукофотлари улуши 2890, Осиёда – 282, Россияда – 297, Қозоғистонда – 50 АҚШ доллари тенг. Суғурта мукофотларининг ЯИМдаги улуши эса Ғарбий Европада – 8,4; Осиёда – 6,2; Россияда – 1,3; Қозоғистонда – 0,85 фоизни ташкил этади. Ушбу рақамлар ҳам суғурта бозорида

фойдаланилмаётган имкониятлар катта эканлигини кўрсатиб турибди.

«Суғурта фаолияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни 15 йил олдин қабул қилиниб, амалда мамлакат суғурта бозорини ривожлантиришга қўйилаётган бугунги кун талабларига тўлиқ жавоб бермайди. Жумладан, мажбурий суғурталашнинг алоҳида турлари ҳукумат қарорлари билан жорий этилган бўлиб, қонун ҳужжатлари билан тартибга солинмасдан қолмоқда. Бундан ташқари, суғурта хизматлари билан мамлакат ҳудудларини қамраб олиш самарали ташкил этилмаган.

Мамлакат суғурта бозори олдида турган долзарб вазифаларни амалга ошириш учун ҳамда суғурта хизматлари истеъмолчиларининг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, суғурта бозорига бўлган ишончни ошириш, суғурта хизматларини тақдим этиш тартиб-таомилларини соддалаштириш ва суғурта саводхонлигини ошириш мақсадида республикада суғурта бозорини тартибга солувчи орган фаолиятини ислоҳ қилиш ва бунда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Суғурта назорати давлат инспекциясининг вазифа ва функцияларини қайта кўриб чиқиш зарур.

– Ўзбекистонда Сенат раиси лавозимига илк маротаба аёл киши тайинланди. Гендер тенглиги, аёлларнинг ижтимоий масалаларни ҳал этишдаги роли, аёллар тадбиркорлиги борасидаги ишларнинг кўлами қандай?

– Ўзбекистон Республикаси Конституциясига кўра президентликдан кейинги даражада турувчи лавозимни илк маротаба аёл киши эгаллагани ҳақиқатан ҳам тарихий воқеа бўлди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг тақдимида биноан Олий Мажлис Сенатининг ялпи мажлисида сенаторлар томонидан Норбоева Танзила Камаловна Сенат раислигига сайланди. Президентнинг 2019 йил 20 июндаги фармони билан Танзила Норбоева ва Элмира Боситхонова Сенат аъзолари этиб рўйхатга олинган эди. Бу вақтгача Танзила Норбоева Бош вазир ўринбосари – Хотинқизлар қўмитаси раиси сифатида муваффақиятли фаолият юритиб келган. Бу тарихий воқелик мамлакатимиз ижтимоий ҳаётида аёлларга нечоғлик катта ишонч билдириляётганидан дарак беради.

Ижтимоий-сиёсий ҳаётда аёлларнинг ўрни ва нуфузини янада мустаҳкамлаш йўналишида Сенатнинг тегишли қўмиталари Молия вазирлиги билан ҳамкорликда Давлат бюджетини шакллантиришда гендер тенглиги масалалари, хотин-қизлар манфаатлари ва уларнинг эҳтиёжлари инobatга олинганлигини таҳлил қилиб, тегишли таклифлар ишлаб чиқишлари режалаштирилган.

Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 7 мартдаги ПҚ-4235-сонли Қарори бўйича





ЎЗА ФОТОСИ.



аёлларни қўллаб-қувватлашга ихтисослаштирилган ташкилотлардан техник кўмак воситалари ва кредитларини жалб қилишга оид кўрилган чоралар тўғрисида Инвестициялар ва ташқи савдо вазирининг ахборотини эшитиш ҳам қўмитамиз режасига киритилган.

Сенатнинг тегишли қўмиталари ва Марказий банк ҳамда Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги билан тижорат банклари томонидан хотин-қизлар тадбиркорлигини ривожлантириш учун ажратилган кредитларнинг мақсадли ишлатилиши устидан парламент эшитувини ташкил этиш ҳам жорий йилнинг иккинчи ярим йили режасидан ўрин олган.

Қўмита томонидан Марказий банк, Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги билан биргаликда бизнес субъектларида фаолият юритаётган аёллар салмоғини ошириш чораларини кўриш ва бошқарув жараёнларига аёлларни кенгрок жалб этиш ҳамда оилавий бизнесни ривожлантириш орқали уларни иш билан таъминлашга бағишланган ҳудудий семинарлар ўтказишни ҳам режалаштирганмиз.

– **Жамиятимизнинг оғриқли нуқталаридан бири бўлмиш яширин иқтисодиёт, унга берилаётган баҳо ва бартараф этиш чоралари ҳақидаги фикрларингиз билан ўртоқлашсангиз.**

– «Яширин иқтисодиёт» – Ўзбекистон иқтисодиётининг энг зиддиятли жиҳатларидан бири ҳисобланади. У бизда ҳануз чуқур таҳлил қилинмаган ва унинг устида илмий изланишлар олиб борилмаган.

«Яширин иқтисодиёт» – бу товар-моддий бойликлар ва хизматларнинг жамият ва давлат бошқарув органлари томонидан назорат қилинмайдиган ҳаракати бўлиб, алоҳида фуқаролар ва ижтимоий гуруҳлар ўртасида амалга оширилувчи, белгиланган қонунчиликдан ташқари ижтимоий-иқтисодий муносабатлардир. Бу муносабатлар иқтисодий фаолиятнинг барча ҳисобга олинмаган ҳамда тартибга солинмаган турларини ўз ичига олади.

Бу соҳа миллий хавфсизликка таҳдид сифатида айрим индивидлар, уларнинг гуруҳлари, институционал субъектлар ўртасида моддий неъматлар ва хизматларни ишлаб чиқариш, тақсимлаш, айирбошлаш ва ис-

теъмол қилиш борасида юзага келадиган ҳамда натижалари расмий статистикада инобатга олинмайдиган ва солиққа тортилмайдиган муносабатлар мажмуидир.

2019 йилнинг 31 май куни қўмита томонидан «Яширин иқтисодиёт: муаммолар, ечимлар ва натижалар» мавзусида давра суҳбати ташкил этилган эди. Давра суҳбати натижалари юзасидан билдирилган таклиф ва тавсиялар асосида муаммо ва унинг ечими бўйича Парламент сўрови тайёрланмоқда.

Маълумки, «яширин иқтисодиёт»ни аниқлаш, шаклланишининг олдини олиш ва унинг улушини пасайтириш ҳозирги замон иқтисодий сиёсатининг ўта долзарб муаммоларидан бири бўлиб, уни зудлик билан ҳал этиш учун комплекс чора-тадбирларни кечиктирмай амалга ошириш лозимлигини бугуннинг ўзи кўрсатиб турибди. Жаҳон иқтисодиётининг ривожланиш тенденцияларидан маълумки, «яширин иқтисодиёт»нинг кўлами кенгайиб бориши, ўз навбатида, мамлакатда яратилган миллий бойликни тақсимлаш ва қайта тақсимлашда тенгсизликни келтириб чиқаради. Аҳоли даро-



мадларининг тўғри таксимлан-маслиги, жамиятда ижтимоий муҳитнинг ёмонлашуви давлатнинг иқтисодий ёнбоқариш механизми сусайишига олиб келади, жамиятда жиноий характердаги фаолиятнинг ҳамда уюшган жиноятчиликнинг авж олишига шароит яратиб беради, мамлакатнинг инвестицион муҳитига салбий таъсир кўрсатади. Умуман олганда, «яширин иқтисодий»нинг кенгайиши аҳолининг давлат томонидан олиб борилаётган иқтисодий ислохотларга бўлган ишончини йўқотади.

Иқтисодий соҳалари фаолияти самарадорлигини тубдан ошириш, уларни мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш «локомотивга» айлантириш, иқтисодий ёнбоқаришнинг бозор механизмларини жорий этиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Иқтисодий ривожланиш соҳасида давлат сиёсатини амалга ошириш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2019 йил 10 январь ПФ-5621-сонли Фармони қабул қилинди.

Фармон билан Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий вазирлиги «Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий ва саноат вазирлиги» этиб қайта ташкил қилинди ва унинг асосий вазифаларидан бири сифатида «яширин иқтисодий» улушини қисқартириш учун қулай шароит яратиш, жумладан, иқтисодий жараёнларда давлат иштирокини қисқартириш, бюрократик тўсиқларни бартараф этиш, молиявий ва ишлаб чиқариш ресурсларидан фойдаланиш қулайлигини таъминлаш, шунингдек, кичик саноат зоналари салоҳиятидан

самарали фойдаланиш орқали бунга эришиш белгиланган.

Шунингдек, валюта бозорини янада эркинлаштириш, яъни валюта айирбошлашдаги ва сотишдаги асосиз чекловларни бартараф этиш, жумладан, жисмоний шахсларга нақд валютани сотиш, инвестиция олиб кирган шахслар учун валюта репатриациясини тўлиқ жорий этиш ва валюта айирбошлашни қонунийлаштириш каби чоралар олдинма-кетин амалга оширилмоқда.

«Яширин иқтисодий», ўз навбатида, тадбиркорликни йўлга қўйиб ҳалол ишлаётган ёки ишлаб чиқараётган маҳсулотларини қонуний реализация қилаётган, рақобатбардош маҳсулотларни кўпайтираётганлар, маҳаллий ишлаб чиқарувчилар фаолиятига жиддий зиён етказди. Шунинг учун ҳам мамлакатимизда бугунги кунда тадбиркорликни қонун йўли билан қўллаб-қувватлаш борасида кенг кўламли ишлар олиб борилаётган.

– **Қўмита томонидан яқин келажакда яна қандай ишларни амалга ошириш режалаштирилган?**

– Сенат фаолиятини ҳозирги кун талабларидан келиб чиққан ҳолда, кун тартибида турган долзарб масалаларни иноватга олиб ташкил этиш мақсадида қўмитанинг қонунчилик фаолияти йўналишида «Биржа ва биржа фаолияти тўғрисида»-ги, «Стратегик режалаштириш тўғрисида»-ги, «Махсус иқтисодий зоналар тўғрисида»-ги қонунларнинг қабул қилинишида қўмита аъзоларининг фаол иштирок этиши белгиланди.

Шунингдек, «Марказий банк тўғрисидаги», «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»-ги, «Валю-

тани тартибга солиш тўғрисида»-ги, «Гаров тўғрисида»-ги, «Тўлов тизими тўғрисидаги», «Суғурта фаолияти тўғрисида»-ги, «Инвестицион фаолият тўғрисида»-ги қонунларнинг янги таҳрирда кўриб чиқилиши ҳам кутилмоқда. Жумладан, «Марказий банк тўғрисида»-ги, «Валютани тартибга солиш тўғрисида»-ги, «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»-ги қонунларнинг янги таҳрири Қонунчилик палатаси томонидан тасдиқланиб, маъқуллаш учун Сенатга киритилди. Ушбу қонунлар Сенатнинг октябрь ойидаги мажлисида кўриб чиқилади.

– **Самимий суҳбат учун раҳмат. Мустақиллигимизнинг 28 йиллик байрами муборак бўлсин!**

## ABSTRACTS

### A NEW STAGE IN THE DEVELOPMENT OF OUR COUNTRY: ESSENTIAL CHANGES ARE IMPLEMENTED IN EVERY SPHER

In an interview with the Chairman of the Senate Committee on Budget and Economic Reforms, issues of changing legislation based on inherent changes in society are discussed. Urgent topics such as reforms in the banking and financial sphere, public-private partnerships, alternative energy prospects, the fight against the shadow economy, control over the use of budget funds, problems of the development of the insurance market, gender equality and many others are discussed as well.



# MEN SEVGAN YURT!



Mustaqillik  
bayramingiz  
muborak bo'lsin!

Xizmatlar litsenziyalangan

 **InfinBANK**





# GROSS

INSURANCE

**"GROSS INSURANCE" СУҒУРТА КОМПАНИЯСИ**

**АЗИЗ ВАТАНДОШЛАР!**

*Сизни азиз Ватанимиз солномасида  
улуғ бир сана – Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг  
28 йиллиги муносабати билан чин юракдан  
муборакбод этамиз. Юртимиз равнақи, Ватанимиз  
тараққиёти ва халқимизнинг фаровонлиги ҳамда  
бахту иқболи йўлида олиб бораётган  
фидокорона ишларингизда улкан зафарлар тилаб қоламиз.  
Ҳаётингизнинг ҳар бир куни янги ютуқларга бой бўлсин!*

**СИЗНИНГ ХОТИРЖАМЛИГИНГИЗ –  
БИЗНИНГ ВАЗИФАМИЗ!**



Хизматлар лицензияланган





# УЗБЕКИСТАН: ЭПОХА ПЕРЕМЕН

*Экономическая политика Узбекистана сегодня направлена на формирование рыночных структур, пересмотр отношений собственности, создание новой банковско-финансовой системы, преобразование системы управления, обеспечение экономической безопасности и динамичного развития всех сфер экономики на основе собственных ресурсов, что позволяет республике интегрироваться в глобальную экономику.*

Стратегические приоритеты обозначены в Государственной программе «Год активных инвестиций и социального развития». Целый ряд программных документов направлен на формирование концепции социально-экономического развития нашей страны до 2030 года.

К 28-й годовщине независимости Узбекистан подошел, имея в своем активе целый ряд осуществленных социально-экономических реформ. Страна вступила в новый этап национального развития во всех сферах и направлениях. Государственный суверенитет, независимость и колоссальная работа, проделанная в предыдущие годы, стали фундаментом для безграничных возможностей нашего государства.

«Реформы, начатые в 2016 году по инициативе Президента Республики Узбекистан Ш. Мирзиёева, направлены на возрождение экономики» – такой вывод делают эксперты Международного валютного фонда в своем Заключительном заявлении по итогам проведения консультаций в республике в 2019 г. Эти выводы базируются на том, что сегодня в стране нет ни одной сферы, в которой не осуществлялись бы значительные преобразования. Многие из реализованного и того, что еще предстоит осуществить в Узбекистане, нашло свое отражение в Послании Президента Олий Мажлису, представленном в конце декабря 2018 года, а также президентских указах, изданных в 2019 году. Фактически эти документы – руководство

к действию, нацеленное на коренное улучшение всех сфер жизни государства и общества, с обозначением перспектив и планов на последующие годы.

## **РАЗВИТИЕ НАЦИОНАЛЬНОЙ ЭКОНОМИКИ ПО ПРИНЦИПАМ ИННОВАЦИЙ**

В числе первых шагов в рамках начатых в 2016 г. реформ стали либерализация экономики Узбекистана и введение свободной конвертации узбекского сума по отношению к иностранным валютам. Уже в сентябре 2017 г. коммерческие банки покупали и продавали валюту по рыночному курсу, были ликвидированы преференции по льготным курсам отдельным избранным предприятиям. Продолжается реформи-





рование банковского сектора на фоне растущей прозрачности деятельности Центрального банка РУ.

Еще одной активно обсуждаемой в стране темой стал проект концепции налоговой реформы. После долгих дебатов в июне 2018 года Шавкат Мирзиёев утвердил налоговую концепцию. Преобразования в этой сфере нацелены на снижение налогового бремени, упрощение системы налогообложения, совершенствование налогового администрирования.

Нужно отметить самое главное – все преобразования ведутся по принципам инноваций и новых подходов в развитии национальной экономики, которых требует сегодня внешняя конъюнктура, международные вызовы, взаимодействие и сотрудничество с другими государствами мира, установление бизнес-контактов, чтобы социально-экономическая и международная политика Узбекистана вышла на качественно новый уровень.

Разработка программы «Цифровой Узбекистан – 2030» намечает долгосрочную стратегию дальнейшего развития, переход на принципы передового государственного менед-

жмента и «умного» управления в различных сферах и плоскостях, в том числе и в банковско-финансовой системе. Эти инициативы, как отмечают международные аналитики, направлены на дальнейшую экономическую либерализацию страны. В рамках программы планируется реализовать проекты в общем объеме на 16,9 трлн. сумов и \$8,1 млрд.

Говоря о поставленных перед отечественными экономистами задачах на «Год активных инвестиций и социального развития», Ш. Мирзиёев назвал шесть основных:

- ◆ создание условий для открытой экономики и свободной конкуренции;
- ◆ подготовка квалифицированных кадров, способных достичь стратегических целей в рамках развития экономики;
- ◆ последовательная либерализация валютного рынка, проведение устойчивой монетарной политики;
- ◆ сокращение присутствия государства в экономике, увеличение количества рабочих мест за счет поддержки активного предпринимательства;
- ◆ модернизация и диверсификация экономики, обеспе-

чение высоких темпов экономического роста за счет повышения продуктивности труда;

◆ борьба с теневой экономикой и резкое сокращение ее объемов.

### **ПРЯМОЙ ДИАЛОГ: ГОСОРГАНЫ – НАСЕЛЕНИЕ – ПРЕДПРИНИМАТЕЛИ**

Новая эпоха поставила перед Узбекистаном новые масштабные задачи, которые потребовали их осмысления и решения под другим углом зрения. Именно в этом контексте нужно рассматривать реорганизацию целого ряда агентств, ведомств и министерств, пересмотр их функций. Сегодня необходимо создание в республике абсолютно новых условий для открытой экономики, кардинального улучшения деловой среды и инвестиционного климата. Нужна разработка новых законодательных актов, причем, прямого действия. Необходимо иное понимание происходящего у себя в стране и в мире.

Чтобы это новое приблизить, создан Экспертный совет при Президенте, в который приглашены ученые, успешные предприниматели, видные государ-



## ” ТОЛЬКО ФАКТЫ

◆ В 2017-м году создана новая для республики система прямого диалога с народом, эффективного решения его жизненных проблем. Основой этой системы стали Народные приемные и Виртуальная приемная Президента Республики Узбекистан по работе с обращениями граждан.

◆ В январе 2017 года принят Закон РУ «О противодействии коррупции».

◆ В 2017 году за счет строительства новых промышленных предприятий, развития малого бизнеса и частного предпринимательства, расширения сферы услуг было организовано свыше 336 тысяч новых рабочих мест.

◆ В 2017 году в городах и селах республики было построено типовых и многоэтажных домов общей жилой площадью более 3,5 млн. квадратных метров.

◆ Историческим стало выступление Президента Узбекистана на Генеральной Ассамблее ООН, где он обозначил ключевые аспекты новой стратегии развития Узбекистана.

◆ В сентябре 2017 года вышло Постановление Президента Узбекистана «О дополнительных мерах по поддержке малообеспеченных слоев населения».

◆ В 2018 году на рынок Узбекистана вышли десятки иностранных компаний со своими франшизами. Был сформирован перечень из 849 инвестиционных про-

ственные и общественные деятели. В него входят также граждане иностранных государств и соотечественники, проживающие за рубежом. Задача совета – консультационное и экспертное сопровождение реформ в стране, выработка предложений по актуальным вопросам реформирования общественной и государственной жизни, развитию социальной сферы и экономики, улучшению инвестиционного климата.

Абсолютной новацией и отражением перемен в социальной жизни граждан Узбекистана стало открытие Народных приемных при различных структурах и органах. В принципе: «не народ должен служить государственным органам, а государственные органы должны служить народу» воплощена еще одна важная инициатива – установление диалога между государственными органами и населением, государственными структурами и предпринимателями.

Такой же приветствуемой, только уже в деловых кругах, стала введенная с 2019 года практика проведения ежемесячных личных встреч Премьер-министра совместно с руководителями министерств и ведомств, органов исполнительной власти, главами диппредставительств за рубежом с реальными и потенциальными инвесторами. На этих встречах обсуждается ход реализации инвестпроектов, обеспечение оперативного и эффективного решения проблем, препятствующих их реализации. Глава государства перед рядом министерств и ведомств поставил конкретные задачи, касающиеся привлечения инвестиций, улучшения инвестиционного

климата, создания благоприятных условий для местных и иностранных инвесторов. Он поручил разработать концепцию комплексного социально-экономического развития страны до 2030 года с ее обсуждением при участии международных экспертов. Ее разработка уже начата.

В настоящее время продолжается реализация проекта по развитию «электронного правительства», осуществляемого при техническом содействии Азиатского банка развития.

## ПРЕОБРАЗОВАНИЯ С АКЦЕНТОМ НА ИННОВАЦИОННОСТЬ

Весьма характерно, что современный этап развития нашей страны международные эксперты назвали эпохой реформ и перемен.

Аналитики выделили ключевые реформы и изменения в экономике Узбекистана за последние два года, которые были реализованы:

◆ валютная реформа – либерализация валютной политики, в результате которой конвертация узбекского сума стала свободной, ликвидированы преференции по льготным курсам отдельным избранным предприятиям;

◆ серьезные намерения правительства и Центрального банка РУ в реформировании банковского сектора, сопровождающиеся возросшей прозрачностью деятельности ЦБ;

◆ активное развитие электронных правительственных услуг и стремление госструктур к прозрачности;

◆ изменение формата деятельности местных властей в соответствии с новыми реалиями.





Реформы и перемены с огромным акцентом на инновационность продолжают. Одним из важных этапов инновационного развития страны становится обновление всех сфер жизнедеятельности ее граждан на основе информационно-коммуникационных технологий, что предусмотрено разработкой Национальной концепции цифровой экономики и программой «Цифровой Узбекистан – 2030». Для решения этих перспективных задач создано Министерство инновационного развития Республики Узбекистан.

Основными задачами Министерства являются:

- ◆ разработка и внедрение инноваций в государственное и общественное строительство с учетом долгосрочных сценариев развития страны, а также определение стратегии развития приоритетных и перспективных направлений научных исследований и передовых технологий, обеспечивающих прогресс общества и государства;

- ◆ стратегическое и превентивное планирование по обеспечению ускоренного развития экономики с учетом быстроменяющейся мировой конъюнктуры;

- ◆ всесторонний анализ и прогнозирование деятельности государственных органов и организаций по улучшению уровня и качества жизни населения, обеспечению роста его благосостояния, а также формирование современной инфраструктуры развития науки и инноваций, способной обеспечить необходимые условия для устойчивого роста социально-экономического потенциала страны;

- ◆ внедрение инноваций, направленных на модернизацию и интенсивное развитие сельского хозяйства, системы образования и здравоохранения, охраны окружающей среды и природопользования;

- ◆ определение приоритетных направлений государственной научно-технической и инновационной политики;

- ◆ внедрение современных технологий с учетом долгосрочных сценариев развития страны, направленных на разработку ноу-хау, расширение инновационной деятельности и рынка конкурентоспособной научно-технической продукции;

- ◆ развитие международного сотрудничества и совершенствование нормативно-правовой базы по внедрению инновационных идей, разработок и технологий.

Предшествовал созданию Министерства инновационного развития указ Президента Узбекистана «О мерах по коренному улучшению условий для развития отрасли информационных технологий в республике». В рамках документа создан инновационный центр по поддержке разработки и внедрения информационных технологий Mirzo Ulugbek Innovation Center.

Большие надежды связаны и с работой других новых структур, которые создаются в республике. Два года назад, в июне 2017 года, в Ташкенте заработал Яшнабадский инновационный технопарк, в состав которого вошли 11 предприятий-резидентов. Его территория подразумевает взаимодействие коммерческих и некоммерческих организаций с целью ведения предпринимательской, инвестиционной и научной

## ТОЛЬКО ФАКТЫ

ектов общей стоимостью \$64 млрд.

- ◆ Прямые и другие иностранные инвестиции и кредиты в 2018 году составили 14 660,4 млрд. сумов, из них 89,3% или 13 085,0 млрд. сумов – иностранные инвестиции и 10,7% или 1 575,4 млрд. сумов – иностранные кредиты.

- ◆ В 2018 году ВВП страны составил 407,5 трлн. сумов (увеличение на 5,1%). Росту ВВП способствовала промышленная отрасль.

- ◆ Доходы в Государственный бюджет составили 79 трлн. 99 млрд. сумов, и по отношению к 2017 году выросли на 59,2%.

- ◆ За семь месяцев **2019 года** экспортировано товаров и услуг на \$7,331 млрд, что на 23% больше по сравнению с аналогичным периодом 2018 года.

- ◆ К 1 августа предприятий-экспортеров стало на две тысячи больше. География экспорта расширилась до 42 стран.

- ◆ В течение 2019–2021 годов планируется организовать 45 агрологистических комплексов, 205 перерабатывающих мощностей, освоить около 36 тысяч гектаров интенсивных садов. На это намечено направить \$1 млрд.

- ◆ К июлю 2019 года доля промышленности в валовом внутреннем продукте выросла с 26 до 30%.

- ◆ Впервые в истории страны доля инвестиций в валовом внутреннем продукте превысила 38%.



деятельности. Срок функционирования технопарка – 30 лет с возможностью его продления.

### НОВЫЕ ИНИЦИАТИВЫ, ВОПЛОЩЕННЫЕ В СЕЛАХ И ОБЛАСТЯХ

Одной из крупных программ, воплощаемых сегодня в стране, стала программа «Обод кишлок», инициатором которой выступил Президент. Сейчас программа поднята на уровень государственной политики. Указ Президента Республики Узбекистан «О программе «Обод кишлок» и Постановление «О дополнительных мерах по реализации программы «Обод кишлок» в 2018 году» способствуют коренному обновлению архитектурного облика сельских населенных пунктов. В различных регионах республики уже осуществлены широкомасштабные работы по перестройке, благоустройству и озеленению их территорий. На эти цели направлено 340 млрд. 358 млн. сумов.

Программа «Каждая семья – предприниматель» направлена на обеспечение коренного улучшения материальных условий, позитивных изменений в качестве и уровне образа жизни населения, нацелена на широкое привлечение населения к предпринимательству. Она была принята постановлением Президента в июне 2018 года. А в 2019 году был принят еще один важный документ в этом направлении – Постановление Президента «О дополнительных мерах по широкому привлечению населения к предпринимательству и развитию семейного предпринимательства в регионах». В соответствии с этим по-

становлением из целевых фондов выделено дополнительно 5 трлн. сумов.

В целом на поддержку предпринимательских инициатив в 2019 году через коммерческие банки по стране выделены финансовые ресурсы на 6,2 трлн. сумов, или в эквиваленте более \$700 млн.

Эта программа имеет мощный социальный акцент, поскольку нацеливает соответствующие структуры на вовлечение в предпринимательство различных слоев населения, и в том числе – малообеспеченные семьи. Нужен особый подход в выделении предпринимателям неиспользуемых площадей и зданий под выращивание сельхозпродукции, места для налаживания производства и оказания услуг населению. В настоящий момент для более полной реализации программы на местах за каждым регионом закреплены ответственные лица республиканского уровня. Налаживается система подворного обхода для уточнения потребности в льготных кредитах. К этому процессу, наряду с сотрудниками экономического комплекса, привлекаются народные приемные на местах, пред-

седатели махаллей, представители Комитета женщин, Союза молодежи и профсоюзов. Кроме того, сейчас в регионах развивается предпринимательство по принципу «одна махалля – один вид продукции». И с целью приобретения необходимого для конкретного направления деятельности оборудования в каждом регионе будут организовываться постоянно действующие выставки мини-технологий. В регионах уже создаются микрофирмы и возможности для населения в получении дополнительного дохода через финансовую поддержку в организации субъектов надомного труда и мелких производителей. Планируется и создание мини-кластеров – закрепление предпринимателей, имеющих бизнес-навыки и достигших положительных результатов в данной отрасли, за семьями, начавшими заниматься новой предпринимательской деятельностью в махаллях, и многое другое.

### НОВЫЙ ФОРМАТ МЕЖДУНАРОДНОГО ПАРТНЕРСТВА

Сегодня правительство Узбекистана выстраивает междуна-





родное сотрудничество в новом формате.

На новый уровень поднялось сотрудничество с Организацией Объединенных Наций, ОБСЕ, ШОС, Организацией исламского сотрудничества и многими другими авторитетными международными организациями и мировыми финансовыми институтами: Международным валютным фондом, Всемирным банком, Азиатским банком развития, Исламским банком развития, Азиатским банком инфраструктурных инвестиций. В Узбекистане вновь заработал офис Европейского банка реконструкции и развития.

По данным Госкомстата, за январь-май 2019 года Узбекистан вел торговые отношения с почти 160 странами мира. Внешнеторговый оборот республики в январе-мае 2019 года составил \$15 759,3 млн. и вырос на \$3 018,5 млн., или на 23,7% к соответствующему периоду прошлого года. Из этого числа экспорт достиг \$6 420,6 млн., показав темп роста в 14,1%, а импорт – \$9 338,7 млн. с ростом в 31,3%.

Основными партнерами по экспорту товаров и услуг во внешнеторговом обороте были Китай (22,1% от общего объема экспорта), Россия (14,5%), Казахстан (8,0%), Турция (7,1%), Кыргызстан (4,6%), Афганистан (3,3%) и Таджикистан (1,7%).

В настоящее время подписаны сотни международных договоров с зарубежными партнерами, заключены соглашения и контракты в торгово-экономической и инвестиционной сферах на миллиарды долларов. Утверждено около 100 «дорожных карт» по развитию практи-

ческого сотрудничества с зарубежными странами и международными организациями.

Успехи, достигнутые республикой, результаты происходящих в ней реформ получают высокую оценку мирового сообщества. Важной основой развития независимого Узбекистана стало формирование национальной экономики с инновационными подходами.

Это дает свои результаты: валовой внутренний продукт республики растет, в стране увеличиваются объемы производства промышленной и сельскохозяйственной продукции. Стимулирующие меры в сфере предпринимательства содействуют увеличению доли малого бизнеса и частного предпринимательства в формировании ВВП страны. А стратегия структурных преобразований экономики способствует масштабному строительству новых современных высокотехнологичных предприятий, модернизации и обновлению действующих производств, реализации крупных программ и проектов. К основным направлениям экономической политики Узбекистана сегодня также относятся формирование рыночных структур, пересмотр отношений собственности, создание новой финансово-банковской системы, преобразование системы управления, обеспечение экономической безопасности и динамичного развития всех сфер экономики на основе собственных ресурсов, что позволяет республике интегрироваться в глобальную экономику.

Реализация продуманной политики по реформированию,

либерализации практически всех рынков, диверсификация ее структуры, расширение международного партнерства открыли путь Узбекистану на внешние рынки, и сегодня он является достойным членом международного сообщества как современное, динамично развивающееся государство.

Обретение независимости позволило нашей стране реализовывать тщательно продуманную политику реформирования и диверсификации важных сфер экономики. Расширение международного партнерства за последние два года открыло путь Узбекистану на внешние рынки – сегодня республика признана достойным членом международного сообщества как современное, динамично развивающееся государство.

## ABSTRACTS

### UZBEKISTAN: THE ERA OF CHANGES

The article talks about ongoing socio-economic reforms in Uzbekistan. The Republic, in fact, has entered a new stage of national development, observed in absolutely all areas and directions. The article also covers policy issues aimed at innovative renewal of all spheres of society, direct dialogue between state bodies, population and entrepreneurs, reducing the difference between villages and cities, intensifying international cooperation, etc.



# ИПОТЕКА БОЗОРИНИНГ БУГУНИ ВА КЕЛАЖАКДАГИ ИСТИҚБОЛИ



**Бобур Нурмухамедов,**  
«Ипотека-банк» АТИБнинг  
Давлат дастурлари бўйича  
ипотека кредитлари  
бошқармаси бошлиғи

*Мустақиллик – бугун биз эришган юксак марраларга қанот бўлган куч. Бугун юртимизнинг ҳар гўшасида бўй кўрсатиб турган озод ва обод ватан манзаралари, аввало, истиқлол шарофатидан.*

*«Инсон манфаати – ҳар нарсадан улуғ», «Инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда манфаатлари – энг олий қадрият», «Ислоҳот ислоҳот учун эмас, аввало инсон учун, унинг келажаги учун» каби эзгу ғоялар бугун ҳар бир инсон қалбида умид, ўзига ишонч, бахтли кунлар тантанаси, шукронаси, юрт тараққиётига дахлдорлик ҳиссини учқунлантиради.*

## БАХТЛИ КУНЛАР ШУКУҲИ

Мамнуният билан айтиш жоизки, ўтган қисқа вақт ичида амалга оширилган сиёсий ва иқтисодий ислоҳотларда, асосан, ижтимоий ҳимояни мустақамлашга алоҳида эътибор қаратилди. Боиси, аҳоли бекаму кўст, тинч-осуда, бахтли ҳаёт кечирсагина мамлакат юксалади, тараққиётга юз тутди. Бу борада амалга оширилиши зарур бўлган устувор вазифалар юзасидан муҳтарам Юртбошимиз томонидан қатор фармон ва қарорлар қабул қилинди. Бу эса аҳолининг эҳтиёжманд қатламини уй-жой билан таъминлаш борасидаги эзгу ишларни бошлаб берди. Унинг ижроси юзасидан шаҳар ва қишлоқларда замонавий кўркам бинолар, намунали уй-жойларни қуриб, фойдаланишга топшириш ишлари айна пайтда ҳам жадаллик билан олиб борилаётир. Президентимиз ташаббуси билан арзон уй-жойларнинг эҳтиёжманд оилаларга узоқ муддатли имтиёзли кредитлар асосида бе-

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан арзон уй-жойларнинг эҳтиёжманд оилаларга узоқ муддатли имтиёзли кредитлар асосида берилиши кўплаб инсонларнинг йиллар давомида қилган орзу-ниятлари ушалишига олиб келди.

рилиши кўплаб инсонларнинг йиллар давомида қилган орзу-ниятлари ушалишига олиб келди.

## 55 600ТА ХОНАДОНДАН ИБОРАТ 1 МИНГ 319ТА КЎП ҚАВАТЛИ УЙ-ЖОЙ СИЗГА МУНТАЗИР

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 23 октябрдаги «2017–2020 йилларда шаҳарларда арзон кўп квартираларни қуриш ва реконструкция қилиш дастурини самарали амалга ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори дастурда иштирок этаётган банклар билан бир қаторда «Ипотека-банк» АТИБ зиммасига ҳам улкан масъулият юклади. Шунинг баробарида устувор вазифалар

белгилаб олинди. Жумладан, 2017–2020 йилларда шаҳарларда кўп квартираларни қуриш ва реконструкция қилиш дастури параметрлари тасдиқланган. Унга кўра, 4 йил давомида жами 55 минг 600та квартирадан иборат 5, 7, 9 ва 16 қаватли 1 минг 319та кўп қаватли уй-жойлар қурилиши режалаштирилган.

Ушбу дастур доирасида банкимиз томонидан 2018 йил учун мўлжалланган жами 17 минг 234 хонадонли 418та кўп қаватли уй-жойлар қурилиши молиялаштирилиб, мазкур уй-жойлар қурилиши учун «Ўзшаҳарқурилишинвест» инжиниринг компаниясига 3 362,7 миллиард сўмлик



Банкимиз томонидан 2018 йил учун мўлжалланган жами 17 минг 234 хонадонли 418та кўп қаватли уй-жойлар қурилиши молиялаштирилиб, мазкур уй-жойлар қурилиши учун «Ўзшаҳарқурилишинвест» инжиниринг компаниясига 3 362,7 миллиард сўмлик кредит маблағлари ажратилган.

кредит маблағлари ажратилган.

Ҳозирда мазкур уй-жойлар бўйича қурилиш ишлари якунланиб, аҳолига имтиёзли ипотека кредити ҳисобига расмийлаштириб берилмоқда. Имтиёзли ипотека кредитлари аҳолига 20 йил муддатга 3 йил имтиёзли давр билан дастлабки 5 йили 7 фоиздан, қолган 15 йили Марказий банкнинг қайта молиялаштириш ставкасида ажратилмоқда.

Банкимиз томонидан давлат дастури доирасидаги уй-жой қурилишини молиялаштириш ишлари изчил суръатларда давом эттирилиб, 2019 йилда ҳам 15 минг 595 хонадонли 355та кўп қаватли уй-жойлар қурилиши молиялаштирилмоқда. Шу мақсадда «Ўзшаҳарқурилишинвест» инжиниринг компа-

ниясига 3 642,6 миллиард сўмлик кредит линиялари очилган.

Мазкур 355та кўп қаватли уй-жойлар йил якунига қадар фойдаланишга топширилиши режалаштирилган. Уларда қурилиш ишларининг бориши, сифатли материаллардан фойдаланилиши, замонавий меъморчилик меъёрларига амал қилиниши тегишли давлат органлари ва ташкилотлари томонидан қатъий назорат қилиб борилмоқда. Биз имкон қадар халқ ишончини оқлаб, йиллар давомида уй-жойга муҳтож бўлиб келган, эҳтиёжманд, ёш оилаларнинг орзуларини рўёбга чиқаришга кўмакчи бўлишни ният қилганмиз. Чунки бошпанаси бор инсоннинг кўнгли хотиржам, оиласи тинч, бахти бекам бўлади. Бу эса инсонни эзгу-

мақсадлар ва улкан марралар сари чорлайди.

### СОҒЛОМ РАҚОБАТ — СИФАТЛИ ВА АРЗОН ХИЗМАТ КЎРСАТИШГА КЎМАКЧИ

Жорий йилнинг етти ойида республикамиз тижорат банклари томонидан жами 3,5 триллион сўмлик ипотека кредитлари ажратилган бўлиб, шундан Ипотека-банкнинг улуши 34,3 фоиз (1,2 триллион сўм)ни ташкил этади. Тижорат банклари томонидан ажратилган ипотека кредитларининг қолдиғи эса 16,8 триллион сўмни ташкил этиб, шундан Ипотека-банк томонидан ажратилган ипотека кредитлари қолдиғи 3,8 триллион сўм (22,9 фоиз)дир.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, Ипотека-банк Давлат дастурлари асосида қуриляётган уй-жойларга ипотека кредити ажратиб келаётганлиги натижасида банк республика ипотека бозорининг деярли чорак қисмига эгалик қилмоқда. Жумладан, 2019 йил 1 август ҳолатига кўра Ипотека-банк томонидан кўп қаватли уй-жойлардаги





# «ИПОТЕКА-БАНК» АТИБ ТОМОНИДАН 2018-2019 ЙИЛЛАР ДАВОМИДА ЖАМИ АЖРАТИЛГАН ИПОТЕКА КРЕДИТЛАРИ СОНИ ВА СУММАСИ (2018 ЙИЛ ҲАМДА 2019 ЙИЛНИНГ ЕТТИ ОЙИДА)

## Қорақалпоғистон Республикаси

🏠 624  
📄 62 723,03  
🏠 545  
📄 74 100,41

## Навоий вилояти

🏠 261  
📄 25 598,34  
🏠 254  
📄 40 177,05

## Жиззах вилояти

🏠 455  
📄 47 370,19  
🏠 345  
📄 54 998,75

## Тошкент шаҳри

🏠 3937  
📄 450 122,42  
🏠 3094  
📄 486 483,52

## Тошкент вилояти

🏠 979  
📄 92 553,32  
🏠 831  
📄 123 214,58

## Самарқанд вилояти

🏠 1187  
📄 139 624,90  
🏠 477  
📄 42 329,22

## Наманган вилояти

🏠 398  
📄 39 889,49  
🏠 450  
📄 42 230,65

## Хоразм вилояти

🏠 572  
📄 67 736,83  
🏠 96  
📄 14 389,26

## Бухоро вилояти

🏠 337  
📄 34 142,52  
🏠 338  
📄 52 236,04

## Қашқадарё вилояти

🏠 1260  
📄 144 492,81  
🏠 687  
📄 81 486,54

## Сирдарё вилояти

🏠 233  
📄 20 132,46  
🏠 84  
📄 12 341,50

## Андижон вилояти

🏠 579  
📄 76 390,61  
🏠 369  
📄 64 063,85

## Сурхондарё вилояти

🏠 955  
📄 109 999,87  
🏠 341  
📄 55 174,76

## Фарғона вилояти

🏠 870  
📄 102 159,14  
🏠 536  
📄 61 839,70

🏠 ипотека кредитлари сони (2018 й.)  
📄 ипотека кредитлари суммаси (2018 й.),  
млн. сўмда  
🏠 ипотека кредитлари сони  
(2019 йилнинг етти ойида)  
📄 ипотека кредитлари суммаси  
(2019 йилнинг етти ойида), млн. сўмда



8 минг 432та хонадонга жами 1 046,1 миллиард сўм ва 1 минг 634та якка тартибдаги уй-жойга 158,9 миллиард сўм ипотека кредити маблағлари ажратилди.

Юртимиздаги аҳоли сони ўсиши бўйича рақамлар таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, 1991 йилда аҳоли сони 20,6 млн. кишини ташкил этган бўлса, бугунги кунга келиб 33,5 млн. кишини ташкил қилмоқда. Бунга мос равишда 2010–2018 йиллар давомида янги қурилаётган оилалар сони ҳам ортиб, йиллик ўртача 270–280 мингтани ташкил этмоқда.

Бу рақамлар Ўзбекистонда ипотека бозорини ривожлантириш зарурлигини, бунда айнақса ипотека кредитларини фақатгина давлат томонидан ажратиладиган паст фоизли ресурс маблағлари ҳисобига эмас, балки бунга қўшимча равишда бозор тамойилларига таянган, доимий равишда ўзини-ўзи молиялаштирувчи янги ипотека тизимини жорий этиш орқали амалга ошириш лозимлигини кўрсатмоқда.

Мазкур масала бугунги кунда долзарб аҳамиятга эга

Банкимиз томонидан давлат дастури доирасидаги уй-жой қурилишини молиялаштириш ишлари изчил суръатларда давом эттирилиб, 2019 йилда ҳам 15 минг 595 хонадонли 355та кўп қаватли уй-жойлар қурилиши молиялаштирилмоқда. Шу мақсадда «Ўзшаҳарқурилишинвест» инжиниринг компаниясига 3 642,6 миллиард сўмлик кредит линиялари очилган.

бўлиб, бу борада Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 13 майдаги «Ипотека кредити бозорини ривожлантириш ва кенгайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-5715-сонли Фармони масаланинг ижобий ечимига кенг имконият очиб беради.

Фармонга биноан мамлакатимизда «Ипотекани қайта молиялаштириш компанияси» ташкил этилиб, компания турли молиявий инструментлар орқали маҳаллий ва халқаро капитал бозорларидан ресурс маблағларини жалб этиш билан шуғулланиб, ушбу маблағларни белгиланган талабларга мос келувчи тижорат банкларига кредит ресурсларини ажратиш йўли

билан қайта молиялаштириб боради.

Эндиликда республикада аҳолига ижтимоий ипотека кредитлари билан бир қаторда тижорат ипотека кредитларини ҳам таклиф этиш имконияти пайдо бўлади. Шу билан бирга, ипотека кредитларини ажратишда тижорат банклари ўртасида эркин рақобат муҳити вужудга келиб, бу банklar томонидан аҳолига хизмат кўрсатиш сифати ошишига ва аҳолига қулай бўлган ипотека кредитлари таклиф этилиши кенгайишига туртки бўлади.

Дарҳақиқат, 2016–2018 йилларда ипотека кредити амалиётининг кенгайиши 82 мингдан ортиқ уй-жойларнинг фойдаланишга топшири-



ЎзА фотоси.



Жорий йилнинг етти ойида республикаимиз тижорат банклари томонидан жами 3,5 триллион сўмлик ипотека кредити ажратилган бўлиб, шундан Ипотека-банкнинг улуши 34,3 фоиз (1,2 триллион сўм)ни ташкил этади. Тижорат банклари томонидан ажратилган ипотека кредитларининг қолдиғи эса 16,8 триллион сўмни ташкил этиб, шундан Ипотека-банк томонидан ажратилган ипотека кредитлари қолдиғи 3,8 триллион сўм (22,9 фоиз)дир.

лишини таъминлади. Натижада мамлакатимизнинг барча ҳудудларидаги 400 минг нафарга яқин фуқаронинг турар-жой шароитларини яхшилашга эришилди. Бу шунчаки рақам ёки факт эмас, балки қарийб 400 минг нафар фуқаронинг бахтли, фаровон турмушига, оиласининг бир бутун бўлиб, замонавий ва шинам уйда истиқомат қилишига ҳисса қўшишдир.

Қишлоқ жойларда арзон уй-жойлар ва шаҳарларда кўп қаватли уйлар, ёш оилалар, ҳарбий хизматчилар, бюджет ташкилотлари ходимлари ва аҳолининг бошқа тоифалари учун уй-жойлар қуриш бўйича мақсадли дастурларни амалга ошириш давом этмоқда. Мазкур мақсадлар учун республикаимизнинг тижорат банклари томонидан жами 10 триллион сўмдан зиёд ипотека кредитлари берилди.

Шу билан бирга, мамлакатимиз уй-жой секторини ривожлантириш зарурати ипо-

тека кредитларини тақдим этиш механизмларини такомиллаштириш ва аҳолининг барча қатламлари учун бозор тамойиллари асосида ипотека кредитларидан фойдаланиш имкониятларини оширишни талаб этмоқда.

### 2020 ЙИЛ 1 ЯНВАРДАН БОШЛАБ

Республикаимизда давлат дастурлари доирасида уй-жойлар қурилиши эндиликда қонун ҳужжатларида белгиланган малакавий талабларга жавоб берадиган юридик шахс мақомига эга бўлган қурилиш ташкилотлари томонидангина амалга оширилишига рухсат этилиб, давлат дастурида иштирок этаётган қурилиш ташкилотларига берилган солиқ ва бошқа имтиёзлар бекор қилинади. Бу эса қурилиш бозорида эркин рақобат муҳити шаклланишига, мамлакатда бир нечта йирик қурилиш ташкилотлари пайдо бўлиб, қуриладиган

уй-жойлар сифати ошишига ва уларнинг реал баҳоси рақобат асосида шаклланишига хизмат қилади.

Умуман олганда, бугун «Ипотека-банк» АТИБнинг аҳоли учун яратаётган қулайликлари юртимиз истиқболи, халқимизни янада бахтли, фаровон ҳаёт кечириши, узоқ йиллик орзу-ниятларнинг ижобати ва буюк келажак сари одимлаб боришида мустаҳкам пойдевор вазифасини бажариб келмоқда.

### ABSTRACTS

#### THE PRESENT DAY OF THE MORTGAGE MARKET AND ITS PROSPECTS

The article addresses the political and economic reforms that have been undertaken over the last short period of time, that have focused mainly on strengthening social protection. Noble work began to provide housing for the needy population in the cities and villages. In this regard, the author draws attention to the prospects for the development of mortgage lending not only at the expense of state resources on favorable terms, but also on a commercial basis.

2016–2018 йилларда ипотека кредити амалиётининг кенгайиши 82 мингдан ортиқ уй-жойларнинг фойдаланишга топширилишини таъминлади. Натижада мамлакатимизнинг барча ҳудудларидаги 400 минг нафарга яқин фуқаронинг турар-жой шароитларини яхшилашга эришилди.



# АКТУАЛЬНОСТЬ ПОВЫШЕНИЯ КРЕДИТНОГО РЕЙТИНГА ДЛЯ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН



**Дилноза Раимова,**  
специалист Проекта  
по исследованию  
финансового рынка  
и совершенствованию  
инвестиционных процессов  
в экономике Института  
бюджетно-налоговых  
исследований при  
Министерстве финансов  
Республики Узбекистан

## КОРОТКО О РЕЙТИНГАХ

Рейтинг – это числовой или порядковый показатель, отображающий важность, место, позицию или значимость определенного объекта или явления по сравнению с другими объектами этого класса, рассчитанный или определяемый по определенной специальной методике.

Сегодня строят весьма разнообразные рейтинги, вплоть до так называемого индекса счастья. Рассчитываются они с использованием десятков показателей и часто по весьма сложным формулам. Занимаются этим команды спе-

В результате глобализации финансовых рынков и развития финансовых инструментов появилась необходимость оценивать и ранжировать участников рынка, которыми теперь стали финансовые корпорации и банки, крупные транснациональные компании, а также суверенные государства и даже местные органы власти отдельных стран.

циалистов с использованием различного софта, что требует немалых вложений. Появление рейтингов – это ответ на растущую глобализацию и увеличение потоков разнообразной информации, используемой для принятия решений. Причем решений совершенно различных – начиная с того, куда поехать отдыхать этим летом и в каком отеле остановиться, и заканчивая тем, куда вложить несколько миллиардов долларов. В конечном итоге здесь также работают законы спроса и предложения.

Одним из старейших рейтингов является кредитный рейтинг.

## КРЕДИТНЫЕ РЕЙТИНГИ

Кредитный рейтинг – это мера кредитоспособности частного лица, компании, региона или страны. Кредитные рейтинги рассчитываются на основе прошлой и текущей финансовой истории участников рынка, а также на основе оценок размера их собственности и взятых на себя финансовых обязательств.







Схема 1

### Исторический период изменений Узбекистана в классификации страновых рисков рейтинга ОЭСР



Источник: <https://www.oecd.org/trade/topics/export-credits/documents/cre-crc-current-english.pdf>.

История кредитных рейтингов начиналась с того, что сами банки ранжировали своих клиентов – людей и компании – по уровню надежности или риска. Особенностью данного кредитного рейтинга является оценка риска невозврата кредита. Чем выше твой рейтинг как заемщика, тем выше вероятность того, что тебе предложат больше денег на более выгодных условиях. В результате глобализации финансовых рынков и развития финансовых инструментов появилась необходимость оце-

нивать и ранжировать участников рынка, которыми теперь стали финансовые корпорации и банки, крупные транснациональные компании, а также суверенные государства и даже местные органы власти отдельных стран. Причем в случае, если заемщиком выступает государство, в дело вступает намного больше новых факторов, чем если бы речь шла о компании или банке. Сегодня суверенный кредитный рейтинг страны – это совокупная оценка текущего состояния и перспектив кор-


поративного сектора, то есть состояния национальных компаний, макроэкономической ситуации: инфляция, размеры и структура внешнего и внутреннего долгов, курс валюты и ряд других макроиндикаторов, а также устойчивости политической системы.

Организация экономического сотрудничества и развития (ОЭСР) присваивает кредитный рейтинг Узбекистану с 1999 года<sup>1</sup>. Кредитный рейтинг ОЭСР устанавливает размеры страховых обязательств по экспортным кредитам, предоставляемым иностранными банками предприятиям-импортерам, что снизит для них стоимость кредитных ресурсов.

В 2008 году Узбекистан находился в шестой группе по страновым рискам, а в настоящее время с февраля 2019 года<sup>2</sup> входит в пятую группу по кредитному рейтингу (Схема №1). Улучшению текущей позиции республики по

Схема 2

### Факторы, влияющие на оценку ОЭСР кредитного рейтинга Республики Узбекистан



Организация экономического сотрудничества и развития (ОЭСР) присваивает кредитный рейтинг Узбекистану с 1999 года. Кредитный рейтинг ОЭСР устанавливает размеры страховых обязательств по экспортным кредитам, предоставляемым иностранными банками предприятиям-импортерам, что снизит для них стоимость кредитных ресурсов.

<sup>1</sup> <https://www.oecd.org/trade/topics/export-credits/documents/cre-crc-historical-internet-english.pdf>.

<sup>2</sup> <https://www.oecd.org/trade/topics/export-credits/documents/cre-crc-current-english.pdf>



Таблица 1

Структура текущих поступлений и расходов (млн. долл. США)			
Показатели	2016 г.	2017 г.	2018 г.
Текущие поступления	16 490,0	19 827,1	22 140,1
Текущие расходы	16 194,8	18 347,1	25 716,8
Сальдо текущего счёта	313,4	1 488,2	-3 576,7

Источник: <http://cbu.uz/ru/press-tsentr/obzori/2019/03/162513/>.

кредитному рейтингу послужило успешное влияние либерализации валютной политики и введение конвертации национальной валюты, расширение открытости экономики и прозрачности статистической отчетности.

Улучшение позиции нашей страны в глобальной классификации рисков позволит значительно снизить размер страховых обязательств по кредитам, которые Узбекистан получает под гарантию экспортно-кредитных агентств.

Кроме вышеуказанных, сегодня Узбекистан имеет и такие положительные факторы, как низкие внешние и внутренние долги, очень низкий корпоративный долг, хорошая кредитная история и др. Значительную роль также играют активно проводимые реформы в банковском секторе и на финансовом рынке в целом, а также усилия правительства по формированию более благоприятной среды для развития

частного предпринимательства.

Объем совокупного внешнего долга Узбекистана по состоянию на 1 января 2019 года составил \$17,3 млрд., увеличившись по сравнению с началом 2018 года на 9,5% или на \$1,5 млрд долларов<sup>3</sup>. По прогнозам на 2019 год, обслуживание внешнего долга будет составлять не больше, чем 0,45% от ВВП или около 2% от доходов Госбюджета. Это является позитивным показателем, характеризующим состояние экономики. Кроме того, можно твердо утверждать, что Узбе-

кистан всегда своевременно выполнял долговые обязательства и до настоящего времени у страны не было случаев несвоевременного возврата долгов.

В 2018 году сальдо по текущим операциям имело отрицательный баланс. Однако финансовый потенциал страны позволяет удерживать устойчивость экономики на приемлемом уровне. Накопленные резервы страны достаточны для покрытия отрицательного сальдо платежного баланса в долгосрочном периоде. В настоящее время золотовалютные резервы страны составля-

Сегодня суверенный кредитный рейтинг страны – это совокупная оценка текущего состояния и перспектив корпоративного сектора, то есть состояния национальных компаний, макроэкономической ситуации: инфляция, размеры и структура внешнего и внутреннего долгов, курс валюты и ряд других макроиндикаторов, а также устойчивости политической системы.

Таблица 2

Золотовалютные резервы (млн. долл. США)					
	01.01.2018 г.	01.04.2018 г.	01.10.2018 г.	01.12.2018 г.	01.01.2019 г.
I. Валовые золотовалютные резервы	28 076,9	8 494,0	26 407,3	25 983,0	27 081,4
1. Активы в иностранной валюте	14 042,8	4 517,2	12 454,4	11 016,0	12 440,7
2. Монетарное золото	14 034,1	3 976,8	13 953,0	14 966,9	14 640,7
II. Чистые золотовалютные резервы	26 567,5	7 086,7	25 494,5	25 291,7	26 394,1

Источник: <http://cbu.uz/ru/press-tsentr/obzori/2019/03/162513/>.

<sup>3</sup> <http://cbu.uz/ru/press-tsentr/obzori/2019/03/162513/>.



ют около \$27,0 млрд. В среднесрочном периоде ожидается преодоление отрицательного сальдо платежного баланса (путем увеличения экспорта товаров народного потребления, электроэнергии и с/х продукции).

Улучшение кредитного рейтинга улучшает ситуацию в целом:

- ◆ сокращает административные барьеры;
- ◆ делает более доступным получение кредитных ресурсов;
- ◆ сокращает издержки на страхование получаемых кредитов;
- ◆ уменьшает процентную ставку кредитов;
- ◆ дает возможность получать долгосрочные кредиты.

В целях улучшения рейтинга на ближайшую перспективу Узбекистану необходимо реализовать следующие задачи:

1. Внедрить «Бюджетные правила», обеспечивающие в долгосрочной перспективе макроэкономическую стабильность, экономическую безопасность, воздействующие на инфляционные ожидания.

2. Диверсифицировать структуру экспорта (стимулирование роста доли продукции с высокой степенью обработки в экспорте).

3. Упорядочить механизм привлечения внешних заимствований в целях направления их в сферы, в которых создаются дополнительные источники бюджетных поступлений.

4. В целях поддержки внешнеэкономической деятельности углубить сотрудничество со странами ОЭСР и экспортно-кредитными агентствами.

#### ABSTRACTS

##### THE RELEVANCE OF IMPROVING THE CREDIT RATING FOR THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN

The article notes that the emergence of ratings is a response to growing globalization and an increase in the flow of diverse information used to make decisions. The author considers one of the most important ratings – country credit ratings, which is a decisive factor in attracting investors to the country.

## Реклама



KAMAZ

## ТЕХНОЛОГИИ ПОБЕДИТЕЛЕЙ

- Двигатель КАМАЗ 320 л.с.
- Грузоподъемность до 20 т.
- Кабина с одним спальным местом



**KAMAZ-6520-043**

Товар сертифицирован

50 лет  
С НАМЫСЛОМ  
СТРОИТЕЛЬСТВА  
КАМАЗА

ООО «UzAuto Trailer»  
+99871 202 00 06  
info@trailer.uz



# ПУЛ МУОМАЛАСИ АБСТРАКЦИЯСИ: ПАССИВДАН АКТИВГА ҚАРАБ БОШҚАРИШ

**Ғофуржон Шукуров,**

Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси раиси ўринбосари

**Зафар Бердиназаров,**

и.ф.д., Абу Райҳон Беруний номидаги Бизнес ва бошқарув республика олий мактаби

Инновациялар ва илмий-педагогик кадрлар тайёрлаш бўлими менежери

**Эркин Нигманов,**

и.ф.н., доцент, Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг

Божхона институти «Иқтисодий фанлар» кафедраси мудири

● **Пул муомаласи назариясининг тарихий ривожланиш босқичларида илгари сурилган фундаментал илмий абстракциялар куйидагиларни ўзида ифода этган: пулга бўлган талаб ва таклиф меҳнат бозорига қараб шаклланиши керакми ёки пул бозоригами?**

● **Пул массасининг ўзгариши ёлланиб ишловчиларнинг даромадларини ишлатишлари борасидаги иррационал ёндашувларга кўра юз берадими ёки пул айланиш тезлигининг таъсиридами?**

● **Дастлабки ва якуний кредитлаш (молиялаштириш) моҳиятидан келиб чиққан ҳолда банклар чекланган фаолиятлари шароитида кредитлашни (молиялаштиришни) қандай қилиб амалга оширадилар?**

**М**азкур илмий абстракциялар ҳозирги даврда ҳам ўзининг илмий асосларига эгами ёки уларни такомиллаштириш зарурияти мавжудми, уларни рақамли иқтисодиётга трансформациялашув шароитида ҳам қўллаш мумкинми ёки улар ўз моҳиятини йўқотадими, Ўзбекистон шароитида мутасадди давлат идоралари

(монетар ва солиқ, бюджет органлари назарда тутилган) ўз сиёсатларини пул муомаласи назариясига бағишланган қайси илмий абстракцияларга эътибор қаратган ҳолда ишлаб чиққанликлари ва уни амалга ошираётганликлари ушбу илмий мақоланинг асосий муаммоларини ва долзарблигини белгилайди.







## ПУЛ МУОМАЛАСИ

Шотландиялик иқтисодчи олим Дэвид Юм (1752)нинг иқтисодиётда пул айланиши назарий асосларини илмий жиҳатдан тадқиқ этишга қаратилган илк изланишларидан бирида пул тушунчасига қуйидагича таъриф берилади: пул, том маънода, қатъий тижорат (савдо) субъектларидан бири эмас, балки бир товарни (хизматни) иккинчи бир товарга (хизматга) ўзаро айирбошлаш учун фойдаланиладиган воситадир (инструментдир). Ҳар бир товарнинг нархи пул ва товар ўртасидаги пропорцияга боғлиқ бўлиб, унинг ўзгариши ушбу омил таъсирида кечади. Ҳар бир товарнинг нархи пул ва товар массаси ўртасидаги нисбатга боғлиқ бўлади.

Ушбу қарашлардан келиб чиққан ҳолда муаллиф иқтисодиётга пул таклифини қатъий чекламаслик ғоясини илгари сурган, ваҳоланки ХХ аср иқтисодчилари (Т. Мэйр, М. Пэрлман ва б.) ушбу ғояга қарши чиқиб, ушбу ҳолат инфляцияни юзага келтирувчи асосий омиллардан бири ҳисобланишини таъкидлаган. Юмнинг ушбу ғояси унинг инфляцияни жиловлаш сиёсатида бутунлай қарши эканлигини билдирмаган, аксинча,

муаллиф иқтисодиётга пул таклифини чекламаслик деганда ундаги ишлаб чиқариш кучларининг узлуксиз ривожланишда эканлигини ҳисобга олиб иқтисодиётга пул таклифини доимий равишда ошириб бориш зарурлигини таъкидлаган.

Ўз навбатида, ўтган асрнинг буюк монетаристлари ҳисобланган А. Шварц ва М. Фридманлар ҳам ўзларининг пул назариясига бағишланган амалий тадқиқотларида муаллифнинг ушбу ғоясини асословчи хулосаларга келишган. Хусусан, М. Фридман ўзининг «Пулнинг миқдорий назарияси» (1956) ҳамда А. Шварц билан ҳаммуаллифликда тадқиқ қилган «Америка Қўшма Штатларининг 1867–1960 йиллардаги монетар тарихи» (1963) деб номланган фундаментал тадқиқотларида 1929–1939 йилларда жаҳон иқтисодиётида юз берган «буюк инқироз» сабабларини ўрганиш натижасида иқтисодиётга пул таклифини қисқартириш эмас, балки уни мунтазам равишда ошириб бориш лозимдир, деган хулосага келишган. Яъни улар ушбу иқтисодий инқирозларнинг асосий сабаби иқтисодиёт учун сув билан ҳаводек зарур бўлган пул таклифининг етишмасли-

гида эканлигини асослаб беришган.

Д. Юм нафақат ўз даврининг, балки бугунги куннинг ҳам бир қатор иқтисодий-молиявий масалаларини ижобий ҳал этишга муносиб ҳисса қўшган. Хусусан, муаллиф бир қатор фундаментал масалалар юзасидан, жумладан, иқтисодиётда эркин бозор муносабатларини қарор топтириш, очиқ ташқи иқтисодий сиёсатни олиб бориш, хусусий секторни қўллаб-қувватлаш ва иқтисодиётга давлат аралашувини кескин чеклаш ҳамда фаол пул-кредит сиёсатини олиб бориш (фоиз ставкасини назорат қилиш) каби ўта долзарб масалалар юзасидан илмий ғояларни илгари сурганки, булар ХХI асрнинг ривожланган ва ривожланаётган давлатлари тажрибасида ўз исботини топган.

Пул айланиши назариясининг такомиллашишига муносиб ҳисса қўшган яна бир етук иқтисодчи олим Стокгольм мактабининг намояндаси Knut Wicksell (1898)дир. Муаллиф ўзининг «Фоиз ва нарх» деб номланган асарида фоиз сиёсатининг пул айланишига таъсирини атрофлича тадқиқ қилиб, илк бор фоиз ставкасини икки турга, яъни номинал ва реал фоиз ставка-

Шотландиялик иқтисодчи олим Дэвид Юм (1752)нинг иқтисодиётда пул айланиши назарий асосларини илмий жиҳатдан тадқиқ этишга қаратилган илк изланишларидан бирида пул тушунчасига қуйидагича таъриф берилади: пул, том маънода, қатъий тижорат (савдо) субъектларидан бири эмас, балки бир товарни (хизматни) иккинчи бир товарга (хизматга) ўзаро айирбошлаш учун фойдаланиладиган воситадир (инструментдир).

<sup>1</sup> Фридман М., Шварц А. Монетарная история Соединенных Штатов 1867–1960 гг. – К.: «Ваклер», 2007. – 880 с.



ларига ажратган. Муаллиф номинал фоиз ставкаси ҳақида сўз юритганда тижорат банкларининг бизнес субъектларига берадиган кредит ставкасини назарда тутган бўлса, реал фоиз ставкаси ҳақида гап борганда капитал қайтими келтирадиган даромадни кўзда тутган. Муаллифнинг фикрича, реал фоиз ставкаси нарх барқарорлигини белгиловчи муҳим омилдир. Агар номинал фоиз ставкаси реал фоиз ставкасига тенглаша олмаса, у ҳолда инфляция юз бериши ва, аксинча, агар номинал фоиз ставкаси реал фоиз ставкасидан паст бўлса, у ҳолда дефляция юз бериши муқаррар эканлиги таъкидланган. Муаллиф номинал ва реал фоиз ставкаларининг мувозанатда бўлиши товар бозорларини мувозанатга келтириши ҳамда нарх барқарорлигини таъминлаши мумкинлигини қатъий эътироф этади.

Немис иқтисодчиси Ludwig Von Mises (1912)<sup>2</sup> пул айланиши назариясининг ғоясини очиб беришда пулнинг фойдалилик хусусиятидан келиб чиққан ҳолда фикр билдиради. Хусусан, муаллиф пулнинг фойдалилик хусусиятини

унинг билвосита, яъни муайян товарни (иш ёки хизматни) харид қилишдаги фойдалилиги билан эмас, балки унга бевосита эгалик қилиш фойдалилиги билан изоҳлайди. Бошқача айтганда, пулнинг харажатлилиқ хусусияти эмас, балки даромадлилиқ хусусияти пул айланишида муҳим аҳамият касб этишини таъкидлайди. Шунингдек, муаллиф уй хўжалиқларининг аксарият ҳолларда пулга бўлган талабини муайян товарга (ишга, хизматга) бўлган талаб сифатида қараш эмас, балки уни жамғаришга бўлган мойиллик сифатида, яъни ҳақиқий пулга бўлган талаб сифатида қараш кераклигини эътироф этади.

Инглиз иқтисодчиси Augusto Graziani (1989) ўзининг «Пул муомаласи назарияси» деб номланган асарида<sup>3</sup> иқтисодиётдаги пул айланиши жараёнларини қуйидаги омиллар билан изоҳлайди:

1) пул таклифи эндоген омил бўлиб, уни асосан тадбиркорлик субъектларининг қарз маблағларига (кредитларга) бўлган талаби юзага келтиради;

2) ишлаб чиқариш ҳажми ва иш билан бандлик иқтисо-

диётда кутилаётган ялпи талаб даражасига боғлиқ;

3) даромадларни тақсимлаш макроиқтисодиёт субъектларининг бозор тамойиллари асосидаги ҳаракат фаолиятига, айниқса, тадбиркорлик субъектларининг товар ва хизматлар нархини белгилаш борасидаги қарорларига боғлиқдир.

Муаллиф ушбу жараёнларнинг иқтисодий муносабатлардаги мазмун ва моҳиятини очиб беришда қуйидаги фикр-мулоҳазалар ва фаразларга таянади. Биринчидан, тижорат банклари тадбиркорлик субъектларига ишлаб чиқаришни бошлашлари учун қарз берадилар. Агар тадбиркорлик субъектларини ўзаро бир жамоа деб фараз қилсак, улар ташқаридан фақат ишчи кучини ёллаш учун ҳақ тўлайдилар. Ушбу ҳақ, ўз навбатида, меҳнат бозоридаги талаб ва таклиф ҳамда корхоналарнинг қабул қиладиган қарорларига мувофиқ шаклланади ва унинг миқдори банкдан олинadиган қарз миқдорига тенг бўлиши лозим. Улар ўртасидаги бошқа барча алоқалар ўзаро ички транзакциялар кўринишида амалга оширилади.

М. Фридман ўзининг «Пулнинг миқдорий назарияси» (1956) ҳамда А. Шварц билан ҳаммуаллифликда тадқиқ қилган «Америка Қўшма Штатларининг 1867–1960 йиллардаги монетар тарихи» (1963) деб номланган фундаментал тадқиқотларида 1929–1939 йилларда жаҳон иқтисодиётида юз берган «буюк инқироз» сабабларини ўрганиш натижасида иқтисодиётга пул таклифини қисқартириш эмас, балки уни мунтазам равишда ошириб бориш лозимдир, деган хулосага келишган.

<sup>2</sup> Mises V.L. *The Theory of Money and Credit*. 1912. Vienna, Austria.

<sup>3</sup> Augusto Graziani. *The theory of the monetary circuit*. Thames papers in political economy. University of Naples. Spring 1989.



Ишлаб чиқариш жараёнининг узлуксизлигини таъминлаш мақсадидагина субъектлар бошқа капитал товарларни харид қиладилар.

Аммо масаланинг иккинчи томони борки, у ҳам бўлса банк ва корхона ўртасидаги қарз муносабатлари нафақат меҳнат бозоридаги талаб ва таклифга, балки пул бозоридаги талаб ва таклифга ҳам боғлиқ бўлади. Пул бозоридаги талаб ва таклиф эса жалб қилинадиган ресурслар фоиз ставкасига боғлиқдир. Жалб қилинадиган ресурслар, ўз навбатида, корхоналар ва ишчи кучининг оладиган даромадларига боғлиқ. Айнан мана шу ерда корхоналар учун зарур бўладиган пулга талаб ва таклиф муносабатлари пайдо бўлади ҳамда иқтисодчиларни мушоҳадага чорлайди. Демак, пулга бўлган талаб ва таклиф меҳнат бозорига қараб шаклланиши керакми ёки пул бозоригами? Ўзбекистон шароитида ушбу абстракция қандай ечимга эга?

Иккинчи ҳолат (ишлаб чиқариш ҳажми ва иш билан бандлик иқтисодиётда кутилаётган ялпи талаб даражасига боғлиқ) корхона ва ёлланган ишчи кучи муносабатларида юз бериб, улар ўртасидаги алоҳида-алоҳида ҳаракатларни ифодалайди. Яъни корхоналар қанча ишчи кучи ёллаш, ишлаб чиқариш ҳажми, тури ва таркиби (истеъмол ёки капитал товарлар) ҳамда унинг таркибий тузилмаси (шу жумладан, филиаллар ташкил қилиш) юзасидан ўзлари мустақил қарор қабул қиладилар. Ёлланган ишчи кучи эса иш ҳақи кўринишида оладиган



**Банк ва корхона ўртасидаги қарз муносабатлари нафақат меҳнат бозоридаги талаб ва таклифга, балки пул бозоридаги талаб ва таклифга ҳам боғлиқ бўлади. Пул бозоридаги талаб ва таклиф эса жалб қилинадиган ресурслар фоиз ставкасига боғлиқдир. Жалб қилинадиган ресурслар, ўз навбатида, корхоналар ва ишчи кучининг оладиган даромадларига боғлиқ.**

даромадларини қандай сарфлаш ҳақида (истеъмолга, жамғармага, инвестицияларга) мустақил қарор қабул қиладилар. Агар мазкур жараёнга давлатнинг ҳамда ташқи секторнинг аралашуви мавжуд эмас, деб фараз қилинса, у ҳолда молия бозорига қимматли қоғозларни чиқариш ва уларни олди-сотди қилиш фақат корхоналар миқёсида амалга оширилади. Ёлланиб ишловчилар эса ўз даромадларининг (иш ҳақларининг) бир қисмини ё қимматли қоғозларга ёки банк депозитларига йўналтириш бўйича танлов қиладилар. Агар ёлланиб ишловчилар ўз даромадларини сарфламасалар, у ҳолда жами пул миқдори иш ҳақи миқдорига тенг бўлади. Жами

пул миқдори корхоналарнинг банк сектори олдидаги қарзи деб қаралса, корхоналар томонидан ёлланма ишчиларга тўланадиган иш ҳақлари банк секторининг корхона олдидаги қарзи (кредит бериш) ҳисобланади. Ёлланма ишчилар томонидан ўз даромадларини тўлиқ истеъмолга ва инвестицияларга (қимматли қоғозларга) сарфлашлари корхоналарга қайтиб келиши сабабли улар банк олдидаги қарзларини қоплайдилар. Шу тарзда пулнинг айланиш ҳаракати ўз ниҳоясига етади ва бу жараён янги ишлаб чиқариш цикли учун қайта такрорланиши мумкин.

Мазкур жараёнларда пул айланиши қачон узилиши мумкин, деган савол туғилиши





Рақамли технологияларнинг жадал ривожланиши, ахборот алмашинувининг тезлашиши ва иқтисодиётда глобаллашув жараёнларининг фаоллашуви пул назариясига оид илмий қарашларни нафақат иқтисодчилар орасида, балки бошқа соҳа вакиллари ўртасида ҳам ўта мунозарали масалаларга айлантирмоқда.

табий. Бунда пул айланишининг узилиши иккита асосга кўра юз бериши мумкин. Биринчиси, ёлланиб ишловчилар ўз даромадларини сарфламай уни уйларида ҳаракатсиз сақласалар. Иккинчиси, ўз даромадларининг бир қисмини сарфлаб, иккинчи бир қисмини банк депозитларида сақласалар. Мана шундай ҳолатларда корхоналарнинг банк олдидаги қарзларини тўлашда узилиш юз беради. Натижада банклар қўшимча равишда корхоналарни ўша узилган миқдорга тенг миқдорда молиялаштирсалар (қарз берсалар), бу, ўз навбатида, пул массасининг кўпайишига таъсир кўрсатади. Бундай шароитда пул массасини меъёрлаштириш, яъни пул айланиш циклини яқунлаш фоиз ставкасига

боғлиқ бўлиб қолади. Демак, ушбу ҳолатда қуйидаги икки абстракция вужудга келади: 1) пул массасининг ўзгариши ёлланма ишчилар томонидан ўз даромадларини бирданга эмас, балки муайян давр давомида аста-секин (давомли) сарфлашлари натижасида юз беради (иррационал ёндашув фарзига кўра); 2) пул айланиш тезлиги (velocity)ни назорат қилиш орқали пул массасига таъсир кўрсатиш. Хўш, ёлланиб ишловчиларнинг иррационал ёндашувлари ва пул айланиш тезлигини чекламаслик Ўзбекистон шароитида қандай ечимга эга?

Учинчи ҳолат (даромадларни тақсимлаш бозор таъсирлари асосида амалга оширилиши ва тадбиркорлик субъектларининг товар ва

хизматлар нарҳини белгилаши) корхоналарнинг молиялаштиришга бўлган талаби, банк тизимининг кредит бериш салоҳияти, даромадларнинг шаклланиши, нарх ва фойда меъёри ҳамда молия бозорининг фаолият самарадорлигига боғлиқдир.

Корхоналарнинг молиялаштиришга бўлган талабини икки хил ёндашув билан изоҳлаш мумкин: дастлабки ва якуний жараёнлардаги молиялаштиришга бўлган талаб (ушбу ҳолат жуда муҳим аҳамиятга эга). Дастлабки молиялаштириш тижорат банклари томонидан корхоналарнинг жорий ишлаб чиқариш харажатларини қоплашга (молиялаштиришга) йўналтирилади. Ушбу ҳолат молиялаштиришнинг қисқа муддатли ликвидлик табиатида хос хусусият бўлиб, у пул бозори орқали таъминланади. Мазкур молиялаштириш жараёнига қисқача изоҳ берадиган бўлсак, банклар ўз кредит маблағларидан товар-моддий бойликларни, шу жумладан, капитал товарларни сотиб ололмайдилар. Улар ушбу бойликларни фақат ўз фойдалари ҳисобидан харид қиладилар. Шу ўринда ҳақли савол туғилади, у ҳолда банклар қандай қилиб чекланган фаолиятлари шароитида молиялаштиришни амалга оширадилар?

Якуний жараёнлардаги молиялаштириш корхоналар томонидан ўз маҳсулотларини, шу жумладан, капитал бозоридаги маҳсулотларини сотишдан тушган тушумларини ифодалайди. Аммо шуни таъкидлаш керакки, ушбу ҳолатда барча ишлаб чиқарил-





ган товар-моддий бойликлар харажатлари ушбу товар-моддий бойликларни сотишдан тушган тушумлар ҳисобидан, барча капитал инвестициялар эса капитал бозоридан тушган тушумлар ҳисобидан қопланади, деган тушунча шаклланмаслиги керак. Инвестицияларни молиялаштириш якуний молиялаштириш жараёнида юзага чиқиб, иқтисодий субъектлари ушбу капитал товарларни фақат ўз даромадлари ҳисобидан харид қилишлари мумкинлиги намоён бўлади. Бу ўринда банклар ҳам инвестицияларни (капитал товарларни) фақат ўз фойдаси ҳисобидангина молиялаштириши мумкин. Агар банк ушбу капитал товарларни ўз кредит ресурслари ҳисобидан харид қилса, у ҳолда ҳар қандай монетар ҳаракат иқтисодийнинг фундаментал қоидасига зарар етказган бўлади. Бошқача айтганда, ҳеч бир субъект ўз қарздорлиги учун якуний тўлов циклини яқунламайди.

Юқорида илгари сурилган назарий абстракциялардан келиб чиққан ҳолда пул миқдорининг ўша давр хусусиятлари учун кўп ёки кам бўлиши (олтин ва кумуш пуллар назарда тутилган) муҳим омиллардан бири ҳисобланган бўлсада, уларни юзага келтирувчи омиллар (талаб, таклиф, фоиз ставкаси, пулларни ташиш, сақлаш, ўтказиш ва ҳ.к.) эса ҳозирги даврнинг хусусият-

ларидан тубдан фарқланади. Мана шундай хусусиятлардан бири бу дунё мамлакатларининг рақамли иқтисодий сари трансформациялашуви тобора жадаллашаётганлигидир. Рақамли технологияларнинг жадал ривожланиши, ахборот алмашинувининг тезлашиши ва иқтисодийда глобаллашув жараёнларининг фаоллашуви пул назариясига оид илмий қарашларни нафақат иқтисодчилар орасида, балки бошқа соҳа вакиллари ўртасида ҳам ўта мунозарали масалаларга айлантирмоқда. Хусусан, яқин келажакда қоғозга асосланган тижорат банклари фаолиятига бўлган талаб кескин камайиб, улар ўрнини бошқа рақамли молиявий институтлар фаолияти эгаллаши, ҳаттоки бора-бора тижорат банклари атамасининг ҳам молиявий луғатдан чиқиб кетиш эҳтимолли борлиги кутилмоқда.

Рақамлар ҳақида сўз борганда шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш жоизки, буюк олим Пифагор ўз шогирдларига келажакда рақамлар дунёни бошқаришини, кимки рақамлар сирини яхши ўзлаштиради, у инсон бутун дунёни бошқаришини, ўрта асрлар уйғониш даврининг буюк олими, ватандошимиз Муҳаммадал-Хоразмийнинг рақамлар сирини математик йўл билан очиб беришга ва муаммоларни у орқали ечишга бағишланган илмий ишланмалари

бугунги кун рақамли иқтисодиётининг тамал тошларидан ҳисобланишини алоҳида эътироф этиш зарур.

Шундай экан, юқоридаги омиллар таъсирини нафақат бугунги замон пул-кредит назарияси нуқтаи назаридан, балки истиқболдаги пул-кредит назарияси нуқтаи назаридан ҳам жуда чуқур ўрганиш, унинг дунё мамлакатлари иқтисодиёти ва ҳамжамиятига бўлган таъсирини атрофлича таҳлил қилиш иқтисодий фанлари учун фундаментал масалалардан бири ҳисобланади.

## НАТИЖАЛАР ВА ХУЛОСАЛАР

Юқорида қайд этилган таҳлиллардан келиб чиққан ҳолда пул муомаласи назариясининг ўтмиш, бугун ва келажакдан сўзловчи илмий абстракциялари бугунги рақамли иқтисодийга трансформациялашув жараёнида қандай аҳамият касб этиши, унинг устуворлик ёки камчиликлари нималарда акс этиши юзасидан қуйидаги фикр-мулоҳазаларимизни билдириб ўтмоқчимиз.

Илгари сурилаётган абстракциялар қуйидагилардан иборат:

1. Иқтисодийда пул массасини пассивдан активга қараб бошқариш.

2. Иқтисодийда пул таклифини чекламаслик.

Яқин келажакда қоғозга асосланган тижорат банклари фаолиятига бўлган талаб кескин камайиб, улар ўрнини бошқа рақамли молиявий институтлар фаолияти эгаллаши, ҳаттоки бора-бора тижорат банклари атамасининг ҳам молиявий луғатдан чиқиб кетиш эҳтимолли борлиги кутилмоқда.



3. Иқтисодиётга пул таклифини асосан миллий валютада амалга ошириш.

4. Иқтисодиётда пул таклифининг катализаторлик ролини ошириш.

Биринчи абстракциянинг мазмун ва моҳиятини қуйидагича изоҳлаш мумкин:

1. Пул (валюта) бир вақтнинг ўзида ҳам актив, ҳам пассив муомала воситаси ҳисобланади.

2. Миллий ҳисоблар тизимида пул маблағлари ҳаракати ҳам актив, ҳам пассив баланс ҳисоб варақларида акс эттирилади.

3. Иқтисодиётда пул-кредит ва молия бозорининг яхши ривожланмаганлиги пул маблағлари ҳаракатининг пассив бошқарилаётганлиги (хуфиёна пул айланиши)ни намоён қилади.

4. Пул маблағларининг пассив бошқарилиши, ўз навбатида, иқтисодиётга пул таклифини кескин ошириш ёки оширмаслик масаласини долзарб қилиб белгилайди.

Мазкур биринчи абстракция асосида иқтисодиётга пул таклиф қилишни қуйидаги шартли мисолда кўриб чиқиш мумкин:

Шартли лойиҳа: Махсус «Катализатор» фонди учун 10 трлн. сўм миқдоридagi, 10 йилга мўл-

жалланган облигация чиқарилади. Ушбу сумма учта йўналишга, яъни чекка ҳудудларда ишлаб чиқариш объектларини ишга тушириш учун 3 трлн. сўм, кўп қаватли уй-жой қурилиши учун 3 трлн. сўм ва шаҳар инфратузилмаси (ер усти метрополитени)ни ривожлантириш учун эса 4 трлн. сўм миқдоридa тақсимланиши мумкин (1-чизма).

Мазкур «Катализатор» фонди облигациялари келгусида қайта сотиб олиш ва даромад тўлаш шарти билан тижорат банкларидa жойлаштирилади. Тижорат банкларига келгуси давр пассивини актив сифатида юқоридaги лойиҳаларни молиялаштиришга рухсат этилади. Ушбу жараён бўйича иқтисодиётга пул таклиф қилишнинг ижобий таъсирини қуйидагича баҳолаш мумкин:

Биринчидан, ишлаб чиқариш, транспорт ва урбанизация лойиҳаларини молиялаштириш учун чет эл валютаси кредитларидан фойдаланишга эҳтиёжнинг кескин пасайиши ва чет эл валюта қарз мажбуриятларининг камайиши.

Иккинчидан, ишлаб чиқариш, транспорт ва урбанизация кластер жараёнларининг ривожланиши орқали аҳоли турмуш даражаси ва сифатини ошириш.

Учинчидан, пассивдан 10 трлн. сўмни активлаштириш натижасида бюджетга йилига камида 700 млрд. сўм пул тушумларининг қайтиши.

Тўртинчидан, лойиҳаларни амалга ошириш натижасида 6 мингдан зиёд янги иш ўринларининг яратилиши.

1-чизмадаги пул таклифининг салбий хавотирлари (оқибатлари) қуйидагиларда намоён бўлиши мумкин:

Биринчидан, молиялаштириш қисқа вақтда (бир ёки икки йил давомида) амалга оширилади, аммо унинг қайтиши (қопланиши) узоқ вақт (15-20 йил) талаб этади. Шу боис, пул оқимининг (қайтимининг) жорий даврдаги узилишини қайси манбалардан тўлдириш ёки унга мос қийматни топиш мумкин, деган хавотир юзага келади.


Иккинчидан, ушбу пул қайтимларининг юз фоиз қайтиши кафолатланмаган. Сабаби, иқтисодиётда тўлиқ иш билан бандлик, даромад, жамғарма ва истеъмолнинг номутаносиб тақсимланиши ҳамда пулнинг харид қобилияти барқарор эмаслиги мана шундай хавотирларни пайдо қилади.

Иқтисодиётда пул массасини пассивдан активга қараб бошқариш абстракциясига бошқа бир мисол сифатида

Буюк олим Пифагор ўз шогирдларига келажакда рақамлар дунёни бошқаришини, кимки рақамлар сирини яхши ўзлаштиради, у инсон бутун дунёни бошқаришини, ўрта асрлар уйғониш даврининг буюк олими, ватандошимиз Муҳаммад ал-Хоразмийнинг рақамлар сирини математик йўл билан очиб беришга ва муаммоларни у орқали ечишга бағишланган илмий ишланмалари бугунги кун рақамли иқтисодиётининг тамал тошларидан ҳисобланишини алоҳида эътироф этиш зарур.



Пассивни активлаштириш лойиҳаси



Манба: муаллиф томонидан тузилган.

йўл қурилиши тизимида амалга оширилаётган ислохотларни келтириб ўтиш мумкин. Маълумки, жорий йилнинг 29 апрелида Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Республика иқтисодиётига тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилиш механизмларини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори қабул қилинди. Ушбу қарорга кўра, яқин йилларда «Тошкент–Андижон» ва «Тошкент–Самарқанд» автомагистраль йўналишлари бўйлаб пуллик автомобиль йўллари қурилиши белгиланган.

Режага кўра, «Тошкент–Андижон» пуллик автомагистраль йўл қурилиши бўйича 2019 йилнинг июнь ойида Жаҳон банки билан консультация хизматини кўрсатиш бўйича битим тузиш кўзда тутилган. Қурилиш тендери ғолибини эълон қилиш ва у билан битим тузиш муддати 2020 йилнинг декабрь ойига мўлжалланган. Мазкур лойиҳа 2021 йилнинг август ойида бошланиши режалаштирилмоқда. Агар ушбу

йўл-қурилиш лойиҳаси чет эллик ҳамкорлар билан ҳамкорликда ёки тўлиқлигича ўз ресурсларимиз ҳисобидан амалга оширилса, пул муомаласининг самарадорлик механизмлари янги бошқарув ёндашувлари асосида такомиллашган бўлар эди. Хусусан, ушбу ёндашув қуйидаги механизм орқали ўз ечимига эга бўлиши мумкин (2-чизма).

Бугунги кунда замонавий моддий-техника базасига ҳамда бой илмий-амалий тажрибага эга бўлган миллий йўл қурилиш тизими ушбу лойиҳани чет эл кўмагисиз ҳам амалга ошириш имкониятига эга. Шу боис, ушбу


лойиҳани ички манбалар ҳисобидан молиялаштирган ҳолда амалга ошириш таклиф этилмоқда. Бундай лойиҳалар ўзининг самарадорлиги билан муҳим аҳамият касб этганлиги боис кўплаб ташқи инвесторлар қизиқиш билдириши шубҳасиз, албатта. Мазкур лойиҳаларни маҳаллий инвесторларга тақдим этиш ва ундан келадиган даромадларни мамлакатимиз ривожига сарфлаш ресурслар тақсимооти самарадорлигига ижобий таъсир кўрсатади.

Иккинчи абстракциянинг (иқтисодиётга пул таклифини чекламаслик) моҳияти қуйидагиларда номоён бўлади:

Немис иқтисодчиси Ludwig Von Mises (1912) пул айланиш назариясининг ғоясини очиб беришда пулнинг фойдалилик хусусиятидан келиб чиққан ҳолда фикр билдиради. Хусусан, муаллиф пулнинг фойдалилик хусусиятини унинг билвосита, яъни муайян товарни (иш ёки хизматни) харид қилишдаги фойдалилиги билан эмас, балки унга бевосита эгалик қилиш фойдалилиги билан изоҳлайди.



## Пуллик йўл қурилишида пасивни активлаштириш лойиҳаси



Манба: муаллиф томонидан тузилган.

Миллий ҳисоблар бухгалтериясининг икки ёқлама ёзув тамойилига асосан ҳисоб рақамлардаги пул маблағларини бир жойдан камайтириб, иккинчи бир жойда кўпайтириш (дебет-кредит) мавжуд жами пул миқдорининг (пул массасининг) ўзгаришсиз қолишини ифодалайди. Агар ушбу тамойилга асосланадиган бўлсак, у ҳолда иқтисодиётга муайян миқдордаги пул таклифини амалга ошириш унинг умумий миқдори ўзгаришсиз қолишини ифодалайди ҳамда муомаладаги пул массасини чекламаслик абстракциясини илгари суради. Аммо иқтисодиёт субъектларининг (маҳаллий ва ташқи) иррационал фикрлаши, кутиш, хулқ-атворидаги саъй-ҳаракатлар, мавжуд ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий шарт-шароитлар ва бошқа табиий хавф-хатарларнинг

мавжуд бўлиши иқтисодиётда пул таклифини чекламаслик абстракциясини шубҳа остига қўяди.

Учинчи абстракциянинг (иқтисодиётга пул таклифини асосан миллий валютада амалга ошириш) аҳамиятини қуйидагилар билан изоҳлаш мумкин:

Иқтисодиётга пул таклифини четдан жалб қилинадиган чет эл валютасида амалга оширадиган бўлсак, активни пасивга айлантирган бўла-миз ва қарзни қайтариш муддати келганда уни олтин-валюта захиралари ҳисобидан қайтаришимиз лозим бўлади. Шу боис иқтисодиётга пул таклифини фақат миллий валютада амалга ошириш тизимига алоҳида эътибор қаратиш керак. Ҳар қандай кўри-нишдаги жалб қилинган чет эл валютаси мамлакат учун

пассив эканлигини инобатга олсак, уларни самарали равишда активлаштириш муҳим масалалардан ҳисобланади. Аммо ҳозирги шароитда иқтисодиётдаги жами пул массасининг аксарият қисмида чет эл валютаси улушининг эквиваленти юқори эканлигини инобатга олсак, уни кескин камайтириш чоратадбирларини ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқдир. Мана шундай чора-тадбирларнинг самарали механизмларидан бири бу рақамли иқтисодиётга изчил трансформациялашувдир. Рақамли иқтисодиётга трансформациялашув миллий валюта таклифи катализаторини такомиллаштириш тизими ва механизмини ўз ичига олади.

Тўртинчи абстракциянинг (пул таклифининг катализаторлик ролини ошириш) аҳамияти қуйидагиларда намоён бўлади:

Иқтисодиётга пул таклифини амалга ошириш умуман олганда қийин иш эмас, аммо уни ялпи талабга мос равишда амалга ошириш муҳим аҳамият касб этади. Ялпи

Knut Wicksell (1898) ўзининг «Фоиз ва нарх» деб номланган асаридан фоиз сиёсатининг пул айланишига таъсирини атрофлича тадқиқ қилиб, илк бор фоиз ставкасини икки турга, яъни номинал ва реал фоиз ставкаларига ажратган.



талабни ташкил этувчи асосий макроиқтисодий кўрсаткичларга истеъмол, жамғарма (инвестиция) ва соф экспортни киритадиган бўлсак, ЯИМ ялпи таклиф кўрсаткичидир. Иқтисодиётда яратилаётган ЯИМ ҳажми пул таклифига мутаносиб равишда боғланган. Аммо ялпи миллий бойликни тақсимлаш функциясидан келиб чиққан ҳолда (истеъмол ва жамғариш) ҳамма вақт ҳам миллий бойликни пул таклифига мутаносиб равишда ошириб бўлмайди. Иқтисодиёт субъектлари ўртасида юз берадиган товар айирбошлаш жараёнларида истеъмол ва жамғариш функцияларида узилиш юз бериши табиий ҳолдир. Бунга биргина мисол сифатида демографик жараёнларни келтириб ўтиш мумкин. Туғилиш ва ўлим, аҳоли таркиби, ижтимоий ҳолати, яшаш

шароити, шаҳар ва қишлоқ, таълим ва тарбия каби бир қатор омилларнинг таъсири миллий бойлик тақсимотининг мутаносиб тақсимланишини ифодаламайди. Ушбу ҳолат пировард натижада пул таклифининг ҳам иқтисодиёт субъектлари ўртасида нотекис тақсимланишига сабаб бўлади (табақалашув квинтили) ҳамда катализатор ролининг самарадорлигига шубҳа уйғотади.

Юқорида билдирилган фикр-мулоҳазалар ҳамда илмий абстракциялардан келиб чиққан ҳолда умумий хулоса қиладиган бўлсак, рақамли иқтисодиётга трансформациялашув ушбу абстракцияларнинг келгусида ўз моҳияти ва аҳамиятини қай даражада сақлаб қолиши ёки ундан воз кечиши мумкинлигига аниқлик киритиш зарур ҳисобланади. Зеро пул муо-

маласининг ҳозирги ва келгуси (рақамли) иқтисодиёт шароитида ҳаракат қилиши унинг иқтисодиётдаги ҳажмини, корхона ва ёлланиб ишловчилар, меҳнат ва пул бозори ҳамда миллий ва халқаро ҳисоб-китоблар тизими ўртасидаги муносабатларда юз берадиган муаммоларни, хусусан, ишсизлик, инфляция, истеъмол, жамғарма, инвестицион фаолият каби муаммоларни ҳал этиш имкониятини оширадими ёки йўқми, деган илмий асосларни шакллантиришни тақозо этади. Мазкур абстракцияларга нисбатан мутасадди идораларнинг ёндашувларини билиш ва уларнинг муқобил таклифларини олиш келгусидаги тадқиқотлар объекти бўлиб ҳисобланиши мумкин.

## ABSTRACTS

### CASH FLOW ABSTRACTION: MANAGEMENT FROM LIABILITIES TO ASSETS

The article seeks answers to the following fundamental scientific abstractions of money circulation theory: Should supply and demand for money be formed on the labor market or on the money market? Is the change in money supply due to irrational approaches to the use of income by hired workers, or is it influenced by the rate of turnover? How do banks carry out lending (financing) based on the nature of initial and final lending (financing)?

Жами пул миқдори корхоналарнинг банк сектори олдидаги қарзи деб қаралса, корхоналар томонидан ёлланма ишчиларга тўланадиган иш ҳақлари банк секторининг корхона олдидаги қарзи (кредит бериш) ҳисобланади.





# МИРОВОЙ ОПЫТ И ПЕРСПЕКТИВЫ ПЕРЕХОДА НА ГИБРИДНОЕ ИНФЛЯЦИОННОЕ ТАРГЕТИРОВАНИЕ В УЗБЕКИСТАНЕ



**Нодира Абдуназарова,**  
к.э.н., с.н.с.,  
Институт  
прогнозирования  
и макроэкономических  
исследований при  
Министерстве экономики  
и промышленности  
Республики Узбекистан

Среди стран ближнего зарубежья ИТ применяется в Армении (год введения – 2006 г.), Грузии (2009 г.), Молдове (2010 г.), Украине (2016 г.), Казахстане (2015 г.) и России (2014 г.). В Узбекистане в 2017 году было принято решение о переориентации принципов и целей монетарной политики в среднесрочной перспективе на режим инфляционного таргетирования<sup>2</sup>.

*В последние годы экспертным сообществом активно обсуждаются возможности применения в Узбекистане инфляционного таргетирования (ИТ)<sup>1</sup>, т.е. режима монетарной политики, направленного на достижение ценовой стабильности. Сторонники введения этого режима убеждены, что это позволит снизить уровень инфляции, сгладить ценовую волатильность, противостоять внешним кризисным явлениям, а также стабилизировать инфляционные ожидания населения. ИТ часто упоминается в списке основных рекомендаций МВФ и других международных финансовых организаций по совершенствованию денежно-кредитной политики для стран с формирующимся рынком и развивающихся стран.*

С конца 80-х – начала 90-х гг., когда данный режим был внедрен в мире впервые, он претерпел значительные изменения, и все больше стран используют не традиционное или чистое, а так называемое гибридное или смешанное инфляционное таргетирование. Цель данной статьи – дать обоснование того, что на данном этапе переход на гибридное инфляционное таргетирова-

ние в республике может содействовать целенаправленному снижению волатильности не только уровня цен, но и резких колебаний валютного курса.

Внедрение традиционного или чистого инфляционного таргетирования заключается в достижении целевого ориентира в виде определенного уровня инфляции с помощью процентного канала денежно-кредитной трансмиссии и ре-

<sup>1</sup> См., например, Худайназаров А. Трансформация режима монетарной политики. // Экономическое обозрение, №4, 2018; Ачилов Н., Махаммадиев Р., Джуманазаров У., Иногамов С., Усмоналиев Х. Инфляционное таргетирование в Узбекистане: необходимость, предпосылки и вызовы. // Бозор, пул ва кредит, №11, 2018 г.; Мухтарова Д. Международный опыт применения инфляционного таргетирования. // Бозор, пул ва кредит, №2, 2015 г.

<sup>2</sup> Постановление Президента Республики Узбекистан от 13 сентября 2017 года №ПП-3272 «О мерах по дальнейшему совершенствованию денежно-кредитной политики».



жима полностью свободно плавающего валютного курса. Монетарные власти при этом практически не осуществляют интервенций на валютном рынке, а обменному курсу уделяется лишь второстепенное внимание, ограничивающееся его воздействием на динамику потребительских цен.

Согласно классификации МВФ, в 2018 году ИТ применялось в 41 стране мира<sup>3</sup>, из них лишь около десяти стран придерживались режима чистого таргетирования. Это в основном развитые страны, в том числе Норвегия, Канада, Япония, Великобритания, где валютный курс устанавливается на основе спроса и предложения на рынке, а управление им рассматривается в качестве крайне экстраординарной меры.

Подавляющее же большинство стран этой группы используют гибридный режим ИТ. Это связано с тем, что в развивающихся странах низкая эффективность процентной ставки и неразвитость финансовых рынков часто не позволяют достигнуть цели по уровню инфляции. Волатильность валютного курса при чистом инфляционном таргетировании в развивающихся странах зачастую растет, что, в свою очередь, отрицательно влияет на привлекательность экономики страны для иностранных инвесторов, оказывает давление на инфляционные ожидания и в результате ведет к отклонению инфляции от своего целевого уровня.



Гибридное инфляционное таргетирование – это включение в целевую функцию монетарных властей определенного уровня инфляции при одновременном снижении волатильности валютного курса. При таком гибридном режиме не устанавливается какой-то определенный уровень или значение валютного курса, ведь, согласно гипотезе о «невозможной троице», нельзя проводить независимую денежно-кредитную политику (и таргетировать инфляцию), иметь свободное движение капитала, если валютный курс фиксирован. Таким образом, при гибридном ИТ осуществляется режим управляемого плавания, когда монетарные власти смягчают резкие колебания валютного курса.

Влияние изменения валютного курса на динамику цен определяется так называемым эффектом переноса (*exchange rate pass-through effect*)<sup>4</sup>. Характер и величина эффекта переноса изменений валютного курса на цены потребитель-

ских товаров являются одним из ключевых звеньев трансмиссионного механизма. Это влияние осуществляется по нескольким каналам: прямое влияние на цены импортируемой конечной продукции; косвенное влияние – через изменение цен на отечественную продукцию вследствие изменения цен промежуточной импортной продукции (используемой при производстве конечной продукции); изменение цен на отечественные товары и услуги, конкурирующие с аналогичными импортными товарами.

Игнорирование динамики валютного курса при проведении монетарной политики может привести к повышению его волатильности и, как следствие, оказать отрицательное влияние на приток инвестиций, спровоцировать рост цен на импортируемые товары и повысить инфляционные ожидания населения. Отметим, что по результатам интервью иностранных и местных инвесторов Узбекистана в 2017–2018 гг.,

<sup>3</sup> International Monetary Fund. 2019. Annual Report on Exchange Arrangements and Exchange Restrictions, 2018. Washington, DC: IMF.

<sup>4</sup> Туунова М.Г. Моделирование эффекта переноса валютного курса на цены в России. // Финансы: теория и практика. №3, 2018.



Внедрение традиционного или чистого инфляционного таргетирования заключается в достижении целевого ориентира в виде определенного уровня инфляции с помощью процентного канала денежно-кредитной трансмиссии и режима полностью свободно плавающего валютного курса.

проведенного компанией Бостонской Консалтинговой Группы – BCG, устранение неопределенности относительно обменного курса является одним из приоритетных направлений на пути преодоления инвестиционных барьеров в экономике<sup>5</sup>.

Из таблицы можно видеть, что страны СНГ и страны ближнего зарубежья смогли справиться с инфляцией в результате введения у себя инфляционного таргетирования. Причем большинство этих стран де-факто не проводили чистое инфляционное таргетирование, а использовали также валютные интервенции, хотя возможно, что де-юре (т.е. официально) и провозглашали свободно плавающий валютный курс.

Например, в Молдове режим валютного курса де-юре

и де-факто классифицируется МВФ как плавающий (но не свободно плавающий). Нацбанк Молдовы вмешивается на межбанковский валютный рынок для того, чтобы смягчить резкие колебания молдавского лея по отношению к доллару США. Понятие «резкие колебания» не определены как-то специфично, однако Нацбанк Молдовы вмешивается на валютный рынок, основываясь на рыночных условиях и будущих ожиданиях участников рынка. Важно, что эти вмешательства не имеют целью изменить тренд движения обменного курса, который определяется спросом и предложением. Так, когда в 2017–2018 гг. наблюдалось укрепление молдавского лея и увеличение притока иностранной ликвидности вследствие улучшения внешних экономических условий,

Нацбанк скупал инвалюту на внутреннем рынке.

В Грузии также режим определяется МВФ как плавающий, и Нацбанк страны вмешивается на валютный рынок посредством валютных аукционов, но без каких-либо обязательств относительно цели по валютному курсу. В последние годы Нацбанк Грузии в большинстве случаев вмешивался на валютный рынок с целью пополнения международных резервов, что было также одобрено рекомендациями МВФ.

Россия и Казахстан провозгласили режим свободно плавающего курса, но все же монетарные власти этих стран вмешивались, хотя несистематично и не в больших объемах, для того, чтобы снизить резкие дестабилизирующие колебания курса. Наиболее наглядно это наблюдалось в 2017 году, когда снижение цен на нефть оказало девальвационное давление на нацвалюту этих стран. Нацбанк Казахстана и банк России стали продавать в этот период иностранную валюту, чтобы снизить избыточный спрос.

Несмотря на то, что в России валютный курс де-факто

Таблица

**Страны, внедрившие инфляционное таргетирование**

Страна, год введения	Тип ИТ (по данным МВФ)	Инфляция в год введения	Целевой ориентир в год введения	Отклонения от цели в год введения	Инфляция в 2018 году	Целевой ориентир в 2018 году	Отклонение
Армения (2006 г.)	Гибридное	5,2	3 ±1.5	2,2	1,8	4±1.5	-2,2
Россия (ноябрь 2014 г.)	Гибридное	12,9 (2015 г.)	4 (2015 г.)	8,9	4,27	4	0,27
Молдова (2010 г.)	Гибридное	8,1	5.0± .5	3,1	0,9	5,0±1.5	- 4,1
Грузия (2009 г.)	Гибридное	3	6	-3	1,5	3	- 1,5
Казахстан (декабрь 2015 г.)	Гибридное	8,5% в (2016 г.)	6-8	0,5	5,3	5-7	0,3

**Источник:** составлено автором на основе информации сайтов центральных банков Армении, Молдовы, Грузии, России, Казахстана, а также см. *Annual Report on Exchange Arrangements and Exchange Restrictions*, IMF, 2018.

<sup>5</sup> Бостонская Консалтинговая Группа – BCG, 2019. *Узбекистан: окно возможностей*. [www.bcg.com](http://www.bcg.com).



и де-юре признан как свободно плавающий, до 2014 года, т.е. перед введением ИТ, Банк России осуществлял курсовую политику в рамках режима управляемого плавающего валютного курса. Это означает, что монетарные власти России не препятствовали формированию тенденций в динамике курса рубля, обусловленных действием фундаментальных макроэкономических факторов<sup>6</sup>, но одновременно сглаживали резкие колебания валютного курса в целях обеспечения постепенной адаптации экономических агентов к его изменению.

С февраля 2017 года Минфин России на ежемесячной основе проводит операции по покупке иностранной валюты. На эти цели министерство направляет дополнительные нефтегазовые доходы бюджета, когда цена нефти оказывается выше прогнозного уровня, заложенного в бюджет. Так, расходы бюджета РФ на 2018–2020 годы рассчитаны при цене на нефть марки Urals \$40 за баррель. Пока цена на нефть российской марки Urals превышает заложенный в бюджет уровень, Минфин будет покупать валюту в объеме дополнительных нефтегазовых доходов (оценочных доходов от превышения фактической цены нефти над \$40). В случае понижения цены на нефть ниже \$40 министерство будет продавать валюту<sup>7</sup>.



Указанные выше наблюдения за отдельными странами находят свое отражение в более сложных эконометрических исследованиях по развивающимся странам. Результаты многих исследований показали, что управление валютным курсом при режиме инфляционного таргетирования более эффективно, чем фокусирование исключительно на инфляции. Так, одно из последних авторитетных исследований Airaudo M. и др. (2016) с помощью двухсекторной модели для малой открытой экономики с несовершенным замеще-

нием между внутренними и иностранными финансовыми активами показало, что для развивающихся стран при свободном плавании валютного курса даже небольшие шоки инфляции на практике ведут к большим ее скачкам в будущем<sup>8</sup>. Также авторы делают вывод, что управление валютным курсом повышает эффективность ИТ в этих странах.

В работе Pourgoy M. (2012) 16 развивающихся стран, использующих инфляционное таргетирование на основе данных 2004–2009 гг., разделены на две группы: применя-

**Волатильность валютного курса при чистом инфляционном таргетировании в развивающихся странах зачастую растет, что, в свою очередь, отрицательно влияет на привлекательность экономики страны для иностранных инвесторов, оказывает давление на инфляционные ожидания и в результате ведет к отклонению инфляции от своего целевого уровня.**

<sup>6</sup> Центральный банк России. Цели и принципы денежно-кредитной политики. [https://www.cbr.ru/DKP/about\\_monetary\\_policy/main\\_objective\\_and\\_principles/](https://www.cbr.ru/DKP/about_monetary_policy/main_objective_and_principles/).

<sup>7</sup> ЦБ в интересах Минфина с февраля начнет покупки и продажи иностранной валюты. <https://tass.ru/ekonomika/3972311>.

<sup>8</sup> Airaudo M. & Edward F. B. & Zanna L. 2016. Inflation Targeting and Exchange Rate Management In Less Developed Countries, IMF Working Papers 16/55, International Monetary Fund.



Гибридное инфляционное таргетирование – это включение в целевую функцию монетарных властей определенного уровня инфляции, при одновременном снижении волатильности валютного курса.

иющие чистое и гибридное инфляционное таргетирование<sup>9</sup>. С помощью метода «разность разностей» автор приходит к выводу о том, что гибридное инфляционное таргетирование позволяет более эффективно бороться с инфляцией. Это также наблюдалось в период глобального финансового кризиса 2008–2009 гг. При этом указывается на целесообразность управления валютным курсом в таргетирующих инфляцию развивающихся странах. Ф.Картаев (2018) находит эмпирические свидетельства в пользу того, что гибридное инфляционное таргетирование в большей степени увеличивает вероятность достижения цели

по инфляции в результате снижения волатильности курса национальной валюты, чем страны, применявшие чистое ИТ. Автором построена модель бинарного выбора, оценивающая вероятность достижения цели по инфляции для 32 стран, декларирующих режим таргетирования инфляции. Использовались ежемесячные данные с января 2013 г. по декабрь 2016 г.<sup>10</sup> Ф.Картаев (2017) с помощью анализа панельных данных для 176 экономик мира за период с 2009 по 2015 г. делает вывод, что за счет более быстрого достижения ценовой стабильности в сочетании со снижением курсовой волатильности, гибридное ИТ в

большей степени способствует долгосрочному росту экономики по сравнению с чистым<sup>11</sup>.

Рассмотрим перспективы и предпосылки применения гибридного ИТ в Узбекистане. Согласно Постановлению Президента РУ от 13 сентября 2017 г. №ПП-3272 «О мерах по дальнейшему совершенствованию денежно-кредитной политики», была разработана Концепция развития и осуществления денежно-кредитной политики, где предусмотрен поэтапный переход на инфляционное таргетирование к 2021 году<sup>12</sup>. Одной из основных задач переходного периода к ИТ заявлено развитие валютного рынка наряду со снижением роли Центрального банка как маркет-мейкера, а также переход к рыночным мерам обеспечения стабильности обменного курса.

До сентября 2017 года обменный курс в Узбекистане классифицировался МВФ как множественный из-за существования спреда между курсами официального и параллельного рынков, а также дополнительных издержек покупки иностранной валюты. Затем в сентябре 2017 года была произведена либерализация валютного рынка и в результате официальный обменный курс доллара США по отношению к суму поднялся с 4250 до 8100 сумов. Далее до конца июля 2019 года курс стабилизировался и темп



<sup>9</sup> Pourroy M., 2012. Does Exchange Rate Control Improve Inflation Targeting in Emerging Economies? *Economics Letters*. 116. – P. 448–450.

<sup>10</sup> Kartayev, P. and Luneva, I. (2018). Shaken, not Stirred: Comparing the Effectiveness of Pure and Hybrid Inflation Targeting. *Russian Journal of Money and Finance*, 77(3). – P. 65–75.

<sup>11</sup> Картаев Ф. С. Увеличивает ли управление валютным курсом эффективность инфляционного таргетирования? // *Деньги и кредит*. 2017, № 2. – С. 63–68.

<sup>12</sup> Центральный банк Республики Узбекистан. Концепция развития и осуществления денежно-кредитной политики. 2017. <http://cbu.uz/ru/monetarnaya-politika/concept/>.



девальвации был примерно в пределах 2%-ного диапазона<sup>13</sup>. Несмотря на меры по либерализации валютного рынка, согласно отчету МВФ 2019 года, режим обменного курса реклассифицирован из множественного в двойной из-за сохранения дополнительных расходов на покупку иностранной валюты.

В настоящее время де-юре обменный курс Узбекистана заявлен как плавающий, т.е. формирующийся исходя из спроса и предложения на валютном рынке. Центральный банк Узбекистана (ЦБУ) является прямым покупателем монетарного золота, одновременно выступая в качестве продавца на валютном рынке в сумме, эквивалентной объему золота, приобретенного у производителей. ЦБУ также осуществляет интервенции на валютном рынке, чтобы сгладить излишнюю его волатильность. Монетарные власти приняли принцип нейтралитета, согласно которому продажи иностранной валюты компенсируют покупки золота ЦБУ.

Фактический режим (де-факто) обменного курса был классифицирован МВФ с сентября 2017 года как режим стабилизированного курса<sup>14</sup>. Этот режим подразумевает, что текущий валютный курс изменяется в пределах 2%-го диапазона в течение шести или более месяцев (за исключением ограниченного числа пиков или спадов), но он не является плавающим. Примечательно, что режим стабили-



зированного курса применялся также в Чехии и считался одним из основных факторов успешного ИТ. Чехия с 2013 по 2017 гг. официально придерживалась обязательства по удержанию кроны от удорожания на уровне 27 крон за евро<sup>15</sup>. При приближении к пороговому значению, в случае укрепления нацвалюты, монетарные власти проводили валютные интервенции в неограниченном объеме, чтобы предотвратить серьезное дефляционное давление. В результате если в 2015 году инфляция составляла 0,3%, то в 2017 и 2018 году – 2,45

и 2,15% соответственно, при этом целевой ориентир в Чехии составлял 2%. Начиная с 2017, года Чехия перешла на режим плавающего курса<sup>16</sup>.

С начала августа 2019 года темпы обесценения узбекского сума ускорились (около 4,5% с 1 по 16 августа) и в середине месяца курс доллара США превысил отметку в 9000 сум. ЦБУ объяснил резкое падение курса сума обесценением национальных валют стран-основных торговых партнеров республики и увеличением спроса на иностранную валюту со стороны компаний-импортеров. С учетом этого регулятор пере-

По результатам интервью иностранных и местных инвесторов Узбекистана в 2017–2018 гг., проведенного компанией Бостонской Консалтинговой Группы – VCG, устранение неопределенности относительно обменного курса является одной из приоритетных направлений на пути преодоления инвестиционных барьеров в экономике.

<sup>13</sup> IMF. 2019 Article IV consultation with the Republic of Uzbekistan IMF Country Report No. 19/129.

<sup>14</sup> Там же.

<sup>15</sup> Моисеев С.Р. Одиссея инфляционного таргетирования: к новым вызовам денежно-кредитной политики. // Вопросы экономики. 2017; (10): 50–70.

<sup>16</sup> International Monetary Fund. 2019. Annual Report on Exchange Arrangements and Exchange Restrictions, 2018. Washington, DC: IMF.



Диаграмма 1

## Динамика ставки рефинансирования, обменного курса и ИПЦ (в годовом исчислении)



Источник: расчеты автора на основе статистических данных Центрального банка РУ.

шел на более широкий коридор дневного колебания валютного курса при проведении валютных интервенций<sup>17</sup>. Отмечается, что продажи в иностранной валюте монетарных властей Узбекистана на валютном рынке не направлены на воздействие на фундаментальный тренд обменного курса.

В то же время, уровень цен был достаточно чувствителен к девальвации национальной валюты (Диаграмма 1). Динамика инфляции в последние годы характеризуется существенным повышением ее уровня в 2017 г. и первые месяцы 2018 года с последующим снижением с января 2019 года. В последующие месяцы 2019 года инфляция наблюдалась на уровне около

